



ФАРҲОД МУСАЖОН

БОҒ КҮЧА

ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР



ФАРҲОД МАСАЖОН

БОҒ КУЧА

КИССА ВА ҲИНОЯЛАР



ЭШ. 517. 133
1490

ФАРҲОД МУСАЖОН

БОҒ КҮЧА

ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР



1824



№

7162

Ёшун Гулом номидаги адабиёт ва санъат маркази

1987

Ўз2
И-90

РАССОМ АБДУВОСИТ ҚАМБАРОВ

4702570200—167

М 17—87

М352 (04)—87

С: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й.

БОҒ КЎЧАМНИ ҚЎМСАЙМАН

ҚИССА



1

Асфальт йўл тугаб тоққа чиқадиган сўқмоқ бошланди. Машина қовжираб кетган ажриқлар оралаб яна бироз юрди. Кейин Рашид моторни ўчирди, чунки сўқмоқ деярли йўқолиб, ўнқир-чўнқирлар кўпайди, ердан туртиб чиққан бесўнақай харсанглар машинага шикаст етказиб қўйиши мумкин эди.

Рашид қўл тормозини кўтарди, кейин шошмасдан машинадан чикди. Унинг кўз ўнгида ажиб бир манзара намоён бўлди. Бир тарафда чўққиларини қор коплаган ҳайбатли қоялар, иккинчи тарафда олисдаги яшил далаларга туташиб кетган қир. Кўз илғар жойда бирорта мавжудот кўринмайди.

У ўпкасини тўлдириб соф ҳаводан тўйиб нафас олди. Асаблари яйраб, бутун вужуди бўйлаб қандайдир роҳат таралди.

Шу тоғ ва қирнинг соҳибидек, табиатнинг эрка фарзандидек ҳис этарди у ўзини. Аста-секин нотаниш бир сокинлик уни ўз домига торта бошлади. Ҳалати эди бу сокинлик — мудҳиш ва лаззатли, хатарнок ва аллаловчи. Бехос эти жимирлади, ҳаёт нишони йўқ ташландиқ оролда ёлғиз ўзи колгандек юрагини ваҳима босди. Бир кўнгли шартта машинасига ўтириб орқасига қочмокчи бўлди.

Рашидга қўрққани алам килди, олисдаги қоя бағрига қапишиб ўсган кўм-кўк арча томон шахдам одимлаб кетди. Аммо озгина

юрмасидан ҳарсиллаб қолди. Тўхтади, бу қанақаси, салга нафаси бўғзига тикилиб қоляпти? Наҳотки шунчалик мадорсизланиб, қариб қолган бўлса? У орқасига қаради, сал кўнгли жойига тушди. Тепаликка чиқаётган экан, машинаси анча пастда қолиб кетибди.

Бугун у умрида биринчи марта «бекор»га вақт сарфлашга журъат этди. Югур-югурдан бир лаҳза тўхтаб, босиб ўтган умрига назар ташлаш мақсадида табиат қўйнига отланди. Кейинги кунларда кўнгли хира эди. Сабаби — эсини таниганидан то шу пайтгача қилган ҳамма иши ўзига бемаъниликдек бўлиб туюла бошлади, аммо бунга очиқ иқдор бўлишга юраги бетламасди.

Кеч куз эди. Ўт-ўланлар қовжираб қолган, сел ва ёмғирларнинг суви тўпланадиган ўнқир-чўнқирларда бўй чўзган яккам-дуккам дарахтлар ярим яланғоч, сийрак сарғиш япроқлар ҳазин бир кайфият туғдирарди.

Ҳавода гарддан асар йўқ, тиник ва мусаффо эди.

Инсон табиат қўйнига чиққанида тузум ва жамият, оила ва бурч, одоб ва ахлоқ ташвишларидан қутулиб, қандайдир танти бир махлукка айланади. Рашиднинг ҳам дафъатан юраги жўшиб кетди, у яна чўққилар томон интилди. Жуда юқорига кўтарила олмаса ҳам энг яқин қояга чиқади.

Бирок хиёл йўл босмасдан яна ҳарсиллаб қолди, тўхтаб нафас ростлади. Энди шошмасдан, аста-аста юришга қарор қилди. Қўлини орқасига қилиб, тепалаб борар экан, бирдан ғалати бир туйғу юрагини шув этказди: қизиқ, яқинлашганинг сари қоялар гўё орқасига тисарилиб, сендан узоклашаётгандек, айни пайтда «кел, келавер», деб ўз домига тортаётгандек эди. Ҳа, мудраб ётган бу тилсиз қояларда сеҳр ва қудрат бор эди. Салобат ва қудрат қаршисида эса Рашид ўзини йўқотиб, типирчилаб қоларди.

Шу аснода миясига аломат ўхшатиш келди: биз ҳаммамиз бойлик ва мансабга эришиш каби катта-кичик орзулар билан яшаймиз ва умр бўйи тоққа тирмашгандек мақсадимиз томон интиламиз, интилганимиз сари у худди мана шу қоялар каби орқага тисарилаверади ва шу тариқа биз учун янада азизроқ, ширинроқ бўлаверади ва биз азият чекиб, унинг кетидан куваверамиз, куваверамиз. Битта қояни эгаллаймиз, кейин иккинчисини, кейин учинчисини... аммо ҳеч қоникмаймиз, тўхтамаймиз, янада баландроқ чўққиларга интилаверамиз. Ҳе, хумпар, мана битта қояга чиқдинг, энди нафсингни тий, атрофга бок, қандай гўзал! Лаззат ол ҳаётдан, завқлан, ўйна-кул, эзгулик ҳақида ўйла, бир туп кучат эк, бирор кимсага ёрдам қил, ахир қачонгача баландликка тирмашаверасан, дейдиган одам йўқ!

Ахир энг баланд чўққилар бамисоли найзанинг учи — ўткир ва хавфли, бевафо ва сирғанчик, у ерда жон сақлаб туриш мушкул, салга пастга қулаб кетиш мумкин. Шундай экан, тиним билмай чўққига тирмашаверишдан не фойда?! Рашид шу ерга келганда ўзини шартта тўхтатди. Нима, у табиат қўйнига фалсафа сўққани чикдими?! Миясига дам, асабларига тин бермоқчи эди-ку. Олдин озгина ҳузур қилсин, қилмишларини тафтиш этиш қочмас.

У ҷунтагидан сигарета чикарди, харсангга ўтириб тутатди ва ҷукур-ҷукур тортди. Энг яқин қояга ҳам чиқа олмаслигига кўзи етди. Ёнида кимдир бўлмаса ёлғиз ўзи чиқолмайди. Кимларнингдир ёрдамисиз у ҳеч қандай баландликка чиқолмаган. Мана шу фикрдан сесканиб кетди Рашид. Бўлмаган гап, у қадар ношуд эмас. Ҳаётдан рози, олмаган унвон ва мукофотлари қолмади, мансаби муттасил юкорилашаверди. Бунинг ҳаммасига ношуд одам эришолмайди, бунинг учун билим, ғайрат ва усталик керак. Ҳа, унга ёрдам беришди. Лекин ҳаммага ҳам ёрдам беришавермайди. Кишиларни ўз манфаатингга ишлатиш ҳам санъат. Лекин у барча имтиёзларга ҳалол эришдики, сотқинлик эвазига эмасми? Дейлик, бир пайтлар яқин дўсти ҳисобланган Дамиргга хоинлик қилмадимми?

Ажабо, Рашид Дамирни қачон учратмасин, ўзини ноқулай сезади. Балки ҳамиша бардам ва бахтиёр Дамиргга ғайирлиги келганидандир бу?

Мана, анави кунги воқеа: Дамирни учратдию туни билан ухлалмай чиқди. Рашид илмий-текшириш институти директори ҳузурида ўтирган эди, Дамир кириб қолди. Директор билан кадр-қимматни пукотмай, ўзини эркин ва мустақил тутиб сўзлашди, масаласини осонгина ҳал қилиб чиқиб кетди. Бу билан ўртоғининг юзига тарсаки тортгандек бўлди, чунки Рашид директорнинг ҳузурига кирибдики, ширали илжайиб, таъзим-тавозе қилиб ўтирган эди, ҳолбуки илтимоси Дамирники билан бир хил — институт чоп эттираётган илмий асарлар мажмуасига ўз мақоласини қистириш эди. Бўлмаса, Дамир ким? Оддий бир илмий ходим, на унвони, на илмий даражаси бор. Рашид эса катта мансабдор!

Ўлганнинг устига тепган қилиб, Дамир чиқиб кетиши билан директор кетидан мақтади.

— Оғайнингиз жуда ўткир мутахассис-да. Мақоласини кўрдингизми? Москвада чоп этилибди,— директор столда қалашиб ётган напқалар орасидан битта журнал олиб Рашидга узатди,— бу журналда чиқиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Рашид базўр тишининг оқини кўрсатиб «яхши» деди. Шу заҳоти ўрнидан турди. «Бизга рухсат» деб узрона хайрлашди-ю, хонани тарк этди. Унинг ранги бўзариб, хунуги чиқиб кетди. Негаки худди шу журнал редколлегияси бундан ярим йил бурун Рашид юборган мақолани бўш ҳисоблаб рад этганди.

Рашид ўша кунги воқеани эслаб қалтираб кетди. Кейин ўзини босди. Ғазаби аста тарқаб, ўрнини тушқунлик эгаллади. Холисанилло айтганда ҳаётда нимагаки эришган бўлса — ҳаммаси қоғоз гул, бировларнинг ёрдамида эришди. Агар мансаби, олди-берди қиладиган танишлари бўлмаганида ким билади, ҳоли не кечарди. Унинг қўлидан келадигани — шароитга мослашиш, бўйсунуш. «Майли,— ўзини онутмоқчи бўлди Рашид,— яшашни ҳам билиш керак, юрمانми Дамиргга ўхшаб бирим икки бўлмай?! Экиб қўйдим бунақа ҳалолликни! Шу пайтгача ишга тирбанд автобусларда туртиниб-суртиниб боради, оддий поликлиникаларда соатлаб навбат кутиб вақтини ўтказди, бирорта камёб дори керак бўлиб қолса, тополмай ойлаб сарсон бўлади, туртинчи қаватда, каталакда яшайди, ўрта-

миёна санаторийларга бориш учун ишхонасида путёвка талашди ва ҳоказо ва ҳоказо». Фақат тентаклар шундай яшаши мумкин. Рашидда муаммолар йўқ. Тагида давлат машинаси ва шахсий «Волга»си, шаҳарда дангиллама коттеджи, далада боғ ҳовлиси бор. Имтиёзлар зўр, махсус магазин ва аптекалар, олийнав хизмат кўрсатувчи касалхона ва стационарлар, санаторий ва курортлар. Хўш, ким ақллироқ экан бу ҳаётда, сарсон-саргардон Дамирми ёки ҳамма иши саранжом-саришта Рашидми? Туғри, балки Рашид Дамирға ўхшаб истаган бошлиқнинг башарасига ўйлаганини тикка айтолмас, руҳий озодлик унга ёт. Фельетончилар тили билан айтганда Рашид ўз мансабининг, бойлигининг, имтиёзларининг кули.

Одамзоднинг табиати қизиқ! Ҳеч ким ҳеч қачон ўзининг айбига икром бўлгиси келмайди.

Рашид ҳам ўша ялангоёқ ва йўқсил, мард ва танти, ҳеч ким танимайдиган Дамирға ҳасад қилишини тан олишни истамасди. Ваҳоланки ҳасад қиларди. Эришган ҳамма нарсаси ёмғир пайтида пайдо бўладиган ҳалқоблардаги пуфакдек заиф ва омонат, фоний ва мўртлигини сезарди. Шу туфайли одамларнинг гапидан, жамоатчилик фикридан жуда ҳам кўрқарди. Ўзи ҳақида яхши фикр туғдириш учуноқ бор кучини унвонлар олишга сарфларди. Бироқ унвонлар вақт ўтиши билан унут бўлиб кетар, аҳамияти йўқолар экан...

Рашид сигаретасини оёғи билан эзгилаб ўрнидан турди.

Совуқ шамол худди исиниб олмоқчи бўлгандек Рашиднинг енги, ёқаси орасидан қўнига шўнғиди, эти жунжикди. Олисда, кирнинг этагида чанг кўтарилди. Рашид синчиклаб тикилди ва пода келаётганини аниқлади. Қайтсамикин энди? Бу фикр туғилиши билан мусаффо ҳаво, сўлғин қирлар, мудроқ ҳарсанглар, салобатли қоялар, мағрур қорли чўққилар алланечук бегонадек туюлди унга.

У аста-аста қадам босиб машинаси томон юрди. Йўлакay қовжирай бошлаган ўт-ўланлардан, қизғиш гулли аллақандай гиёҳлардан узиб гулдаста ясади, шу алпозда машинасига яқинлашганини ҳам сезмади. Бир маҳал бундай бошини кўтариб қараса, боя жуда олисда кўринган пода анча яқинлашиб қолибди, қўй туёқларининг дўпири, чўпоннинг «ҳов-ҳов» деб ниқташларигача эшитил-япти.

Ҳадемай пода етиб келди, суворий ўспирин қўлини кўксига қўйиб Рашидга салом берди, яна от суриб қўйларни қувиб кетди. Поданинг охирида келаётган оқ-сарикдан келган чўпон тўхтаб, Рашид билан қўл олишиб кўришди, қавариқ кафти каттик, худди тарашанинг ўзи экан.

Чўпоннинг сўрашгани Рашидга ёқди, қарз бўлиб қолмаслик учун илтифот қилди.

— Бу дейман, отни йигитчага бериб қўйиб, ўзингиз яёв юрибсиз. Чарчамайсизми?

Чўпон узок йўл юриб келганига қарамай бир текисда нафас олар эди.

— Қайдам, бизга билинмайди, — деди у.

Рашид шаҳарликлар одатига кўра унга сигарета узатди.

— Йўқ, чекмайман,— деди чўпон, узр оҳангида эмас, дағалроқ танирди.

— Тўғри қиласиз,— деди Рашид, гап бўлиниб қолмасин учун шошилиб мавзу қидирди,— йигитча ўғлингизми?

Чўпон «ҳа» дегандек бош силтади.

Рашид табиатан сертавозе одам эди.

Чўпон эса тескарис — тўпори одам экан. Хулқ-атвори бир хил шахслар дарров тил топишади, деган янглиш ақида бор. Одатда хўлқ бошқа-бошқа одамлар бир-бирига интилади.

— Қани, биродар, бирровга чўкинг,— деди Рашид,— Бразилиянинг зўр қаҳваси бор, туркчасига қилиб дамлаб бераман.

Чўпон Бразилияси нима, туркча қаҳва қанақа бўлади, яхши фарқига бормаса-да, қолишга рози бўлди, чўккалаб утирди. Рашид бағажнигини очиб жун адёл олди, ерга солди. Кейин бежирим чарм халтадан кичкинагина дастурхон чиқариб ўртага ёзди, топган-тутганини қўйди.

— Ишқилиб, ўғилча кутиб қолмайдими?— термос копқоғини очаётиб сўради у.

Мана шу гапга мутлақо тушунмади чўпон. Нега энди ўғли уни кутиб қолиши керак экан. Подани ўтлатиб юраверди.

Чўпон қанча уринмасин, нима деб жавоб қилишни билмади. Буни сезган Рашид мавзунини ўзгартирди.

— Қишин-ёзин аҳвол шуми, эрталаб подани тоққа хайдаб, кечқурун қайтасизларми?

— Йўқ, кишда кўрада боқамиз. Эрта баҳордан мана шунақа кеч кузгача яйловда қолиб кетамиз.

— Яйлов олисми бу ердан?

— Йўқ, қишлоқдан икки соатлик йўл.

— Ҳар куни шунчадан йўл босасизларми?

— Ҳар куни қатнамаймиз. Ҳозир совуқ тушиб қолди, яйловда тунашнинг ўзи бўлмайди. Ёзда ойлаб яйловда қолиб кетамиз.

Рашид кичкинагина пластмасса стаканчага термосдан қаҳва қуйиб, чўпонга узатди.

— Қани, бундан татиб кўринг-чи.

Чўпон таъзим билан қаҳвани олди, иссиғлигича бир хўплади. Башараси буришди, бунақа тахир нарсани у умрида ичиб кўрмаган эди.

— Ҳа, аччиқлик қилдими, қанд кўшиб берайми?

— Йўқ, керак эмас,— деди чўпон,— ичса бўлади.

Рашид ёшини аниқламоқчи бўлиб чўпонга зимдан разм солди. Мен тенги бўлса керак, деган қарорга келди.

— Нечача бордингиз, биродар?

— Бир кам етмишдаман.

Чўпоннинг жавоби уни ҳайратга солди.

Наҳотки шу одам Рашиддан ўн беш ёш катта бўлса?! Юзи офтоб ва изғиринда пишиб, мисга айланган, қомати ҳали қиличдек, кузлари тетик чақнади. Қайтанга Рашид қарирок кўринарди унинг олдида. Кейинги пайтларда оппоқ бадани бўшаша бошлаган, кўк-раклари аёлларникига ўхшаб дўппайиб, тарвуздеккина корин қўй-

ганди. Офтоб кўрмаган сўлгин башараси заъфарон ранг касб этган эди.

— Нечта болангиз бор?

— Ўн учта, саккизтаси олдингисидан, — деди чўпон, — буниси ҳам мана тўққиз йил деганда бештани туғиб берди.

Рашид анқайиб қолди. Ва бирдан чўяндан қуйилган ҳайкалдек бежирим қадди-қоматини ғоз тутиб ўтирган шу қотма чўпонга ҳаваси келаётганини англади. Ахир эркак киши учун биринчи навбатда нима керак? Куч ва эркаклик иқтидори. Ҳеч нарсаси, на бойлик, на мансаб уларнинг ўрнини босолари.

Мана бу чўпон расмана эркак, у ҳар қандай аёлни бахтли қила олади. Ҳар куни икки соатли йўл босиб, яйловга чиқиб туша олар экан, кун бўйи оёғида тура олар экан, демак ҳақиқий эркак. Балки бир оз идроксизроқдир, лекин ким бенуқсон?

— Неча йилдан бери чўпонлик қиласиз?

— Болалигимдан бери. Отамиз ёш ўлиб кетган, бувамиз кетларидан етаклаб юриб бизни чўпон қилганлар.

— Ҳа, дуруст. Болалигингиздан бери чўпон экансиз, ҳукумат меҳнатингизни тақдирлагандир? — синчковлаб сўради Рашид. — Орден-порден борми?

— Ундан йўқ, — жилмайиб жавоб берди чўпон, — қандай қаҳрамонлик кўрсатибмизки бизга орден берсин?

— Меҳнатингиз учун! Ахир яхши ишласангиз керак?

— Ишласак ўзимиз учун ишлаймиз, тирикчилик дегандек. Шунга ҳам орденми? — таажжубини яширмади чўпон.

У Рашиднинг кўзига ғалчароқ кўринди. Сал тажанглашиб ўқдирди.

— Узоқ йил яхши ишлаганларни ҳукуматимиз тақдирлаб туради. Қоидаси шунақа. Бошқаларга ўрнатқ бўлсин, бошқалар ҳам яхши ишласин, деб шундай қилишади.

Чўпон «тушундим» дегандек бош силкиди, лекин кўзидан «бунақа ақлли гаплар билан миямни ачитиб нима қиласан», деган маънони ўқиш қийин эмас эди.

Рашид яна Дамирни эслади. Чўпон нимаси биландир Дамирга ўхшаб кетарди, тўғрисўзлиги, самимийлиги... Бу ҳам Дамир каби бориға барака қилиб яшайдиганлардан, қийинчиликларга қарамасдан ўзини бахтли ҳисоблайдиганлардан бўлиши керак.

Рашид мана шу бахтли ва бегам чўпонга айланиб қолиш учун нимага эришган бўлса барчасидан воз кечишга тайёр эди!

Амалга ошмайдиган орзу кишида мунг уйғотади.

— Ҳўш, энди биз қайтамиз, — деди Рашид.

— Шаҳардан шунча йўл босиб чиққан одам дарров қайтасизми?

— Тушликдан кейин мажлис бор эди, ўшанга етиб боришим керак, — чўпон шилқимлик қилмасин учун Рашид сал типирчилаб қолди.

Чўпон хотиржам эди. Рашид ўзини қойиб «ўпқангни бос, намунача жилланглайсан» деди.

— Келиб турунг шунақа, меҳмон. Гаплашадиган одам экансиз, отамлашамиз, — чўпон юзига фотиҳа тортиб, шошилмасдан ўрнидан турди.

Рашид дарров эриб кетди.

— Раҳмат, насиб қилса бошқа келарман!

Чўпон хайрлашиб корли чўккига бошлайдиган сўқмоқдан тепа-
лаб кетди.

Рашид нарсаларни йиғиштириб машинага жойлаштирди. Кейин рулга ўтирди.

Қайтишда машина қанот чиқаргандек енгил бўлиб қолди. Саба-
би — йўл текис эди, қиялик кескин эмаслигидан ҳайдовчига озор
бермай, машина ўзи учиб борарди.

Рашид магнитофоннинг мурватини буради, ажойиб қўшиқ янгра-
ди, кўнгли чоғлашди. «Э, кўп сиқилаверманг, Рашид Шарипович,
стар ўзингизни тергаш, шунчалик бўлиб юрганингизга шукр қилинг.
Замон ўзғариб қанча-қанча одамлар ишдан қувилди, сиз эса жон
сақлаб қолдингиз. Тўғри, тожу тахтингиз силкиниб турибди, қулаш
хавфи бор. Бу ёғини пешонангиздан кўрасиз. Ишқилиб ҳозирча
яхши мансабдасиз, бордию ишдан кетган тақдирда ҳам очдан
ўлмайсиз, илмий даража ва унвонлардан ҳеч ким сизни маҳрум
қилолмайди ва улар сизни ўла-ўлгунча боқади. Кўпчилик эмассиз,
битта ўғлингиз билан хотинингизни бир амаллаб қорнини тўйға-
зарсиз». Рашид хотинини эслаши билан хаёлан жилмайди. Қаттиқ
севарди бир-бирини улар. Айниқса ёшликларида, ишга борганида
кечгача чидолмасди, овқат баҳонасида пешинда уйига бориб хотини-
ни кўриб, севиб, хуснига тўйиб келарди ва кечгача яна соғиниб
қоларди.

Рашиднинг кўзи беҳосдан кўлидаги никоҳ куни хотини тақиб
қўйган арзонгина тилла узукка тушди. Уни ҳеч қачон ечмаган,
сечмайди ҳам. Кейинги орттирган зебу зийнатлари қаршисида бу
узук арзимаган увокдек гап. Аммо Рашид учун хотинининг бирин-
чи совғаси — пок ҳисларининг ёдгорлиги — дунёдаги энг қимматба-
ҳо тақинчоқлардан азизроқ, муқаддасроқ эди.

Рашиднинг хотинига қилган биринчи совғаси эса — худди кеча-
гидек ёдида — оддийгина, ёқут кўзли зирак эди. Ўша зиракни
олгунча қанча қийналганини эслаб яна жилмайди.

2

Ўша кезлари университетни янги тамомлаган Рашид «Билим-
жамиятида лектор бўлиб ишларди. Маоши кичкина, ёш мутахассис-
га каерда катта пул тўланарди?! У маошдан бу маошга аранг
амал-тақал қилиб юрарди. Аммо хотинига сир бой бермас, бирор
марта пулим тугаб қолди демаганди. Фаридани танибдики биринчи
қундан бошлаб унга ўзини топармон-тутармон кўрсатишга ҳаракат
қилар, кейинчалик янада бой бўлиб кетамиз, деб кериларди. Фарида
тўқ оиладан бўлгани учун ўзини уларга тенг тутмоқчи, бизникида
уйинидагига нисбатан ёмонроқ яшамайсан, демоқчи бўларди. Қизик,
Рашид ҳаммадан кўра ҳам хотинининг кўзига яхши кўринишни
истарди, ютуқлари билан биринчи навбатда хотинига мақтанарди.

Ўша куни ишдан қайтса Фарида ҳасип солган экан. Тўйдан кейин
Рашиднинг онаси ҳовлининг этагидаги кичкинагина хонага кўчиб

ўтган эди. Овқат сузишдан олдин келин бориб қайнонасини таклиф этиб келди.

— Сал мазам йўқроқ, келин, менга шу ерга опкелиб бераколинг,— деди қайнонаси.

Янги тушганида қайнонаси билан муносабати яхши эди. Лекин вақт ўтиши билан ўртада қандайдир совуқлик пайдо бўлабошлаган, муносабатлар тарангроқ тортилаётган эди.

Фарида ортикча кистамай оркасига қайтди.

— Ойим келмас эканлар, ўшатта ермишлар.

— Майли, хафа қилма, обориб бер,— деди Рашид гўё онасига меҳрибончилик билдираётгандек.

Овқатдан кейин оғирлашиб қолган Рашид чой майдалаб ўтириб китоб варақлади. Қанча ҳаракат қилмасин уч бетдан ортикча қурби етмади, жуда ҳам зерикарли асар экан. Рашид китобни ёпиб мириқиб эснади. Остонада бошини сочик билан танғиб олган хотини пайдо бўлди. Бошини ювган аёлнинг ўзига хос латофати бўлади. Фарида ҳам бошқача бўлиб кетганди. Кўйлагининг ёқасини ичкарига қайириб олгани учун оппоқ кўкрагининг ярмисигача очик, ёноклари кизариб, бўлик лабларидан шарбат сизиб тургандек эди.

— Бўпти, ётайлик энди?— деб Рашид ўрнидан турди.

— Намунча шу пайтдан ётмасангиз, сал овқатингиз нарироққа кетсин.

— Юрақол энди,— сал ширали овозда ялинди Рашид.

— Йўқ, ётмайсиз!— тантиқланди Фарида.— Гап бор.

— Хўп, гапингни ўринда эшитсак бўлмайдими?— тоқатсизланди Рашид.

— Бўлмайди. Сиз ўринда гаплашармидингиз,— нозланиб лабларини чўччайтирди Фарида,— ким билмас экан сизнинг одатингизни.

— Нима, шунақа зарур гапинг борми?

— Жуда зарур. Ўтиринг,— ишва билан буюрди Фарида.

— Хўп,— Рашид итоаткорлик билан юмшоқ креслога чўкди,— буёққа кел.

Фарида бориб, эрининг тиззасига ўтирди.

— Ана энди гапир гапингни,— у хотинининг белидан аста қучди.

Фарида бир қўлини эрининг елкасига ташлади, иккинчи қўли билан унинг сочларини ўйнаб ўтириб ноз билан сўради:

— Ниятларингиз қанақа, нишонлаймизми?

Рашид донг қотиб қолди.

— Нимани?

— Шунақасиз-да, парвойифалак юраверасиз.

— Одамни қийнамасдан очикроқ гапир.

— Ўзим ҳам ёдингизда бўлмаса керак, деб ўйловдим,— ўпкалади Фарида.

— Ёдимда бўлмаса, ўзинг айтмоқ.

— Ўтган йили шу пайтда қачон етишарканман висолингга, деб кетимдан югуриб юрган эдингиз. Эркакларники шу экан-да, уйлан-волгунча оҳ-воҳ қиларкану...

— Нега эсимдан чиқар экан?!— ёлғондакам дўк урди Рашид, — кунма-кун санаб юрибман, ҳали бир ҳафта борлиги учун индамаётганим-да.

— Ростданми?

— Нон урсин агар,— қасам ичди Рашид,— албатта нишонлаймиз, турмуш курганимизга бир йил тўлган қутлуғ санани нишонламай бўларканми?!

— Хўш, нима совға қиласиз?— тилини чучук қилиб сўради Фарида.

— Совғани аллақачон мўлжаллаб қўйганман,— ёлғон тукиди Рашид,— лекин олдиндан айтсам, қизиги қолмайди. Ҳарҳолда сенга ёқади, деб ўйлайман.

— Совғанинг яхши-ёмони бўлмайди, ҳамма гап эътиборда,— кесердадир ўқиган жумласини ишлатди Фарида.

— Ўв, менга қара, эшикни қулфлаганмисан?— бирдан мавзуни ўнгариб, хавотирланиб сўради Рашид.

Фариданинг сал энсаси қотиб, эрини мазах қилди.

— Юрак борми ўзи? Онангиз ҳарҳолда эшикни тақиллатиб кирсалар керак, иннайкейин ман, нима, ўйнашмидим, чўчийсиз, қонуний хотинингизман, бемалол ўтираверинг!— Фарида ёш бўлса ҳам кўпинча катта хотинларнинг гапини қиларди.— Мабодо тақиллатмасдан кириб қолсалар, қайтанга яхши бўлади, дакки еб чиқиб кетадилар.

— Ўзбекчилик дегандек, андиша қилар экан одам.

— Хотиржам бўлинг, эшик қулф,— юпатди Фарида эрини, кейин ҳазилнамо оҳангга кўчди.— Хўп, кимларни айтамиз юбилейимизга?

— Буни кейин, бафуржа ўйлашиб кўрамиз,— хотинини ўзига тортди Рашид.

— Вой, секинроқ, бирам қўлингиз қаттиқки... Ҳозир келишиб кўйилик, бир кун қолганда кимни айтиб улгураман.

— Кўнглингга ёққанларни айтавер, бу ёғи сенинг ихтиёрингда. Бўлдимми?— Рашид хотинининг белидан маҳкамроқ қучди.

Сержозиба севги дамларидан кейин эру хотин яна гапга тушиб кетишди.

Рашид хотинига «ҳаммаёқни кўрсатаман сенга, аввал ўзимизнинг мамлакатни обдан кезамиз, кейин Ҳиндистондан тортиб Япониягача, Италиядан тортиб Швейцариягача обораман», деб мактанди. Фарида ҳам бўш келмади: «Чет эл қочмас, аввал Қамариддин акани қўлга олиб, бир амаллаб фан кандидати бўлволинг, ўшанда поингиз доим бутун бўлади», деди. Улар ширин хаёллар оғушида уйкуга кетдилар.

Эртасига эрталаб Рашид одатдагидан анча кеч уйғонди. Нима учундир юраги ғашроқ эди, ўзини жисмонан бўшашган ва мадорсиз, руҳан хомуш сезарди. Кеча қизиқ устид ваъдани катта қилиб юборди, улдасидан чиқа олармикин?

У ёнида пишиллаб ухлаб ётган Фаридага қаради. Кеча кечкурун кўзига наридек кўринган хотини ҳозир ҳамма қатори оддий аёлдан фарқ қилмасди, сочлари хурпайган, ковоклари шишган, ранги ўчган.

Бирок ухлаб ётган бўлса ҳам унда аллақандай яширин ҳокимият бордек эди. Севарди шу аёлни Рашид, шу аёл учун ҳамма нарсага тайёр эди, шу аёлнинг измида эди. Албатта, у уйда ўзини ҳоким ҳисобларди, аслида эса унга кўпроқ хотинининг буйруғини бажариш, кўнглини олиш, талабларини қондириш ёқарди.

Шу аснода эшик тақиллаб қолдию Рашиднинг хаёлларини бўлди, у ирғиб ўрнидан турди.

— Ким?!

— Вой, турмайсизларми, кун алламаҳал бўлиб қолди-я!— Она-сининг овозида сал зарда бор эди.— Эшикдан битта-яримтаси келиб қолса, нима деган одам бўласизлар, уят эмасми пешингача ғафлат босиб ётиш?!

— Турганмиз, ойи, аллақачон турганмиз!— бир оз ўпкалаб ва бўғилиб гапирди Рашид.

— Ойимпошшани ҳам уйғот, турсинлар энди, хонзодалиқ ҳам эви билан.

— У ҳам турган!— асабийлашди Рашид.

— Қаёқда туради? Сенга фақат хотинининг ёнини олиш бўлса,— онаси жавраб эшикдан узоқлашди.

Фарида чўчиб кўзини очди. Бир лаҳза ҳеч нарсага тушунмай бакрайиб ётди. Кейин шахт билан ўрнидан турди, халатини чалачулпа кияр экан, ғазабнок гапирди:

— Салом йўк, алиқ йўк, бу нима қилиқ саҳар туриб, одамнинг ўтакасини ёриш? Кап-катта хотин сал ўйлаб иш тутса бўлмай-дими?

Фарида биринчи марта қайнонасининг оркасидан сенсираб гапирди. Онасининг тўполони энсасини қотиргани учун Рашид хотинининг қўполлигини ичига ютди. Фарида хуруж билан бориб эшикни очди, остонага чикди-да, иккала қўлини белига тираб шанғиллади.

— Сал оғзингизга қараб гапиринг, ойи, қачон ман хонзодалиқ қилибман? Айбим бир марта ухлаб қолганимми?!

— Вой, менга нимага дўк урасиз муштдек бошингиз билан?! Озиб-ёзиб бир мартагина гапирганимга балого қолдимми?!

— Гапингиз бўлса, тўғрилиқча айтинг, нега зарда қиласиз?

— Зарда қилиб нима дебман сизга?

— Эшикни бузиб юборай дедингиз-ку.

— Вой, куруқ тухматдан ўзинг асра! Ҳали мен сизга эшикбузар ҳам бўлиб қолдимми?! Минг раҳмат сизга, умрим бино бўлиб ҳеч қимдан эшитмаган ҳақоратни сиздан эшитдим. Уялинг-э!

— Ўзингиз уялинг! Кап-катта хотин қилган ишингиздан тониб ўтирибсиз-ку!

— Нима қилдим, нимадан тоняпман?!— қичқирди қайнона.

— Бақирманг, ердан чиққан одам борми бу ерда, бақирасиз!

— Йўк, сиз ердан чикмагансиз, сиз осмондан оёғингизни узатиб тушгансиз. Бойвуччасиз, биздақаларни назарга илармидингиз, оёғингизнинг учида кўрсатасиз.

Рашид ўзини йўқотиб қўйган, уй ўртасида қотиб турарди. Бундай вазиятга у биринчи марта тушиши, чунки қайнона-келин биринчи марта очиқ даҳанаки жанг қилиши эди. Тўғри, бунгача ҳам муносабатлари таранглашиб, уч-тўрт кунлаб гаплашмай юрган

қўшлари бўлган, аммо бунчаликка бориб етмаган эдилар. У ташқари-
да чиқишга мажбур бўлди.

— Қўйсанглар-чи энди!— деди тутакиб.— Намунча шовқин кў-
тарасизлар, ҳозир ҳамма қўшнилари йиғилиб чиқади! Фарида, кир
уйга!

Нега энди мен уйга кирарканман, биров бошимда ёнғоқ
такса ҳам чидаб юраверишим керакми?— кўзига ёш олди Фарида.

— Ия, ҳали мен сизнинг бошингизда ёнғоқ чақяпманми?! Вой
манави бетсизнинг гапини қаранглар. Ўзинг-ку бўш қайнона билан
такса эрни топиб олиб, ногорангга ўйнатаётган, ношукр банда!

— Бўлди-да энди, ойи!— энди онасини жеркиб берди Рашид,—
оғим бор деб бўлар-бўлмасни гапираверасизми?

— Сен намунча шу пандаваки хотинингни лаганга соласан?!
— Негла лаганга солар эканман,— онасига каттиқ гапириб юбор-
ганини сезган Рашид сал пастга тушди,— биламан, бунда ҳам бор,
декин... ҳарҳолда сиз каттасиз, яхшиликча йўлга солсангиз тушунади.

— Йўк, гапга тушунмайди бу золим. Келганидан бери димоғ-
фироғ қилиб юракларимни қон қилиб юборди-ку.

— Золим деб сени айтади! Ҳар қадамим ўлчоғли. Ўтирсам
ўшқман, турсам...

Рашид буларга ҳозир гап таъсир қилмаслигини пайқаб уйга
қочди.

— Вой тилгинанг кесилсин сани, заҳар бўлмай! Вой бойдан
қилин қилмай мен ўлай. Вой уйимни дўзахга айлантирган зўравон
қилиннинг дастидан дод!

Матлуба хола ҳовлини бошига кўтариб, уввос сола бошлади.
Аммо шаллақиликда Фаридага бас келиб бўлмасди.

— Ажаб бўпти зўравон бўлсам. Чидасанг шу, чидамасанг катта
куча!

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

— Нима?! Ҳой мусулмонлар, манави манжалақи мени ўз уйим-
дан ҳайдаяпти. Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар, ҳовли-жойимдан
ажраб қолдим. Мени кўчага ҳайдаяпти!— бу енгилганлик аломати
эди, фақат заиф томонгина одатда ёрдам сўраб кичкиради.

буладими? Э, эрсиз кайнонадан худо асрасин экан! Мен билан ётганингизни ҳам кўролмайди.

— Энди бир марта тўполон қилганларига...

— Бир марта эмас, доим шунақа. Фақат олдин дилида эди, бугун тилига чикди. Топинг уй, менга сал жонингиз ачиса, топинг, — йиғига тушди Фарида.

— Хўп, кўз ёши қилма. Алоҳида турмоқчи бўлсанг, ўйлаб кўрармиз, — деди Рашид.

Ҳа, шундай деди. Ёлғиз онамни, менга ҳам оталик, ҳам оналик қилиб, ўзи емай-ичмай мени тарбиялаб, ўқитиб одам қилган онамни танҳо ўзини ташлаб, чиқиб кетаманми, демади. Чунки, биринчидан, онасининг бугунги қилиғи ёмон жаҳлини чиқарди, иккинчидан, хотинининг таклифи унга ёққанди.

Ажаб, Фарида шу хонадонга тушибдики, кайнона-келин ўртасида оғир гап қочмаган бўлса-да, борган сари муносабатлари ёмонлашиб, совуклашиб, худди бегонага ўхшаб қолаётгандек эдилар. Ё Фарида айтганидек онаси, келиним ўғлимни мендан бутунлай тортиб олмоқчи, деб кўрқармикин? Матлуба хола олдинлари ўғлини ҳаддан ортиқ севарди, сирдош эди, лекин аслида раҳмдил ва мушфик аёл бўлишига қарамай, гоҳида ўғлини қаттиқ жазоларди, шунчаки огоҳлантириб қўйса бўладиган айбини ҳам кечирмасди. Эркалашда ҳам, жазолашда ҳам меъёрни билмасди. Ўша ноҳақ, адолатсиз жазолар ҳалигача Рашиднинг юрагида доғ бўлиб ётарди ва улар ҳеч қачон ўчмаслигига ишонарди у.

Ҳа, уйланганидан кейин она-бола кам гаплашадиган бўлиб қолишди. Онасининг кўриниши нукул нимадандир норозидек бўлиб туюларди, чунки оғиз очдими, ё гина чиқарди, ё бирор нарсани талаб қиларди. Нукул ўзини бахтиқаро ва ночор кўрсатиб, эътибор ва раҳм-шафқат сўрарди, сўрарди эмас, тиламчилик қиларди — мана шу айниқса унинг жиғибийронини чиқарарди. Хотини эса бошқача эди, сира нолимасди, бирор нарса етишмаса, куч билан ундирарди, руҳи тетик, омилкор эди. Рашид эса кучлиларни яхши кўрарди, куч олдида бўйин эгарди. Шунинг учун алоҳида туриш фикри унга ёқди. Гарчи шуни истаётганига иқдор бўлишдан уялса ҳам, хотинининг раъйига қараяпман, деб ўз виждонини алдамоқчи бўлса ҳам, аслида алоҳида тургиси бор эди.

Рашид апир-шапир кийиниб жўнаб қолди. Жанжалга тоби йўқ эди унинг.

Ишга кетатуриб йўлакай Ўрдадаги заргарлик магазинига кирди. Ёнида ҳемири бўлмаса ҳам магазинни айланди ва ёқут кўзли зиракни танлади. Ҳам чиройли, ҳам арзон экан, шуни совға қилади хотинига. Аммо пул масаласи нима бўлади, маошга ҳали анча бор. Шу уй билан у ишхонасига кириб борди. Коридорда унга биринчи бўлиб Эркин Бадриддинов учради. Аломат одам эди у.

— Ие, ие, Рашидхон, бормилар, омонмилар? — Бадриддинов доим кулиб кўришарди.

— Раҳмат, ёмон эмас.

Рашид ундан сал чўчирди, чунки Бадриддинов одам билан самимий гаплашмас, мазаҳ қилаётгандек сўзлашарди. Унинг бирор

шарта итга бўлганини, ҳовлиқиб қолганини ёки жиззакилик қилганини кўрмаган эди.

Териси қалин эди.

— Кейинги пайтларда камнамолар, иш кўпайиб кетдими? — Бадриддинов гапга ачча чечан эди.

— Юрибмиз сояларида, — Рашид Бадриддиновнинг олифтанамо гапига таклид қилди. Бадриддинов шунақа эди, дарров ҳамсухбатини ўзига тобе қилиб оларди.

— Сал ташвишли кўринасиз...

— Ҳа, сиздан битта илтимос бор эди, — ўзини яқин олишга ҳаракат қилди Рашид.

— Гапирсинлар...

— Пулдан қалайсиз, жуда зарур бўлиб қолди?

Бадриддинов яйраб қолди.

— Ис, ие, ана холос, дўппи тор келиб қолди дегнг?

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди.

— Тинчликми ўзи ишқилиб?

— Тинчлик, тинчлик, — ийманиб жавоб қилди Рашид.

— Ё анавинақа саргузаштларга керак бўлиб қолдими? — қулги ушқунлари чакнаб турган кўзларини чакчайтирди Бадриддинов, — хотиндан бекитадиган харажатлар бўлади-ку!

— Ҳозирча биттасини эплаб турайлик. — деди сал ёқинқирамай Рашид.

Уйдаги ўзгаришни дарров сезди Бадриддинов.

— Ўйлашиб кўрамиз, — деди жиддий, — қанча керак эди?

— Юз сўмча бўлса кифоя.

Бадриддинов кошларини кериб, яна кўзларини чакчайтирди.

— Бор-йўғи шуми? Шунга шунча ташвишми? — У ҳеч қачон пули камлигидан ёки аҳволи оғирлигидан нолимасди, аксинча ўзини бадавлат кўрсатишга ҳаракат қиларди.

— Ҳа, бор-йўғи шу, — қайтарди Рашид нима дейишини билмасдан.

— Аммо уйдагилардан пинҳона бир ишга қўл уряпсиз-ов... — ишнайди Бадриддинов, у Рашидни хотини тўқ оиладан эканлигини, қарз керак бўлса, уйдан олиб келишини биларди.

Рашиднинг энсаси котди, берса берсин, бермаса нима қилади бировнинг ишига бурун сукиб?!

— Топиладими... йўқми?

— Ҳа, энди бир гап бўлар. Жуда қисталанг қилаверманг. Бисотни титкилаб кўрайлик, шўттасиз-ку, натижасини айтармиз.

Қайси бисотни, қачон титкилайди, қачон айтади, ҳаммаси муҳим эди.

— Майли, раҳмат, — деди Рашид, шу одамдан пул сўраганида ишда ўзини сўқди.

Доим шундай бўларди, Бадриддинов билан сўзлашаётганида, сезмайсан, аммо гаплашиб бўлгандан кейин лакиллатганини туйқас

наслади. Бадриддинов ўз хонасига кетди. Телефонда ўтириб бир-иккита

анишларига кўнгил қўйиб, кўнглида жўшқунлар кўнглида. Анчагача яна кўнгли



кўнғироқ қилсам экан, деб бош қотирди. Аммо қарз бериши мумкин бўлган бирорта номзодни тополмади. Шу пайт бирдан эсига Дамир тушиб қолди. Ўша беадаб ва ҳазилкаш курсдоши Дамирга мурожаат қилмай, кимга қилади!

Бироқ телефон қилса иши тушгани учун йўқлабди демасмикин? Ахир анчадан бери учрашмайдилар. Университетни битириб, янги ишга кирганларида тез-тез кўришиб турардилар. Уйланганларидан кейин ҳам ора-чора оилавий борди-келди бўлиб турди. Кейин... Фаридага унча ёқмади, улар тенгимиз эмас, деб очик айтмасам ҳам фикрини англаш қийин бўлмади. Дамир ҳам ўзини четга тортди. Хуллас, алоқалари узилди-қолди.

Хўш, энди шу алоқани тиклаб, тўғри қиладими? Алоқани тикласа, пашшахўрда бўлиб кунора уйига қатнайвермасмикин хотини билан? Бетгачопарлик қилиб, «бойликка тузоқ қўйибсан, демак, айнибсан» қабилидаги айбномалари билан яна мияни ачитмасмикин?!

Бироқ телефон қилмасликнинг иложи йўқ. Фаридага ваъдани катта қилди. Энди совғага пул топиш керак. Қолаверса, Дамирни ҳам кўргиси келяпти. Ахир беш йил бирга таҳсил кўришди, одам бир-бирига ўрганиб қолар экан.

Рашид Дамирнинг газетага ишга жойлашганидан хабари бор эди. Справочникни олиб телефон номерини қидирди, кийналмасдан топди, сал ҳаяжонланиб рақам терди.

— Лаббай?— трубкадан эркак овози эшитилди.

— Менга Жумаев керак эди,— деди сиполик билан Рашид. Дамир ўртоғининг овозини дарров таниди.

— Жумаев йўқ,— деди.— Бир Рашид деган ўртоғим бўлгучи эди, ярим йилдан ошди дом-дараксиз йўқ бўлиб кетганига, суриштириб келай-чи, ҳаётмикин ё чет элга хизматга кетиб қолдимикан, деб адрес столига кетувди.

— Вой тентаг-ей. Адрес столига бориб юргандан кўра, шундок телефонни олиб, рақам терса-ку, иши битади-қўяди!

— Бунинг учун фаросат керак! Жумаевда эса яхши иштаҳадан бўлак ҳеч нарса йўқ. Буни билсангиз керак.

— Биламан,— деди Рашид,— менга қара, очофат, ҳозир бир кило сосиска бўлса, горчицага булғаб, тузланган қарам билан урармидинг?

Иккала оғайни стипендия теккан куни сосискахўрлик қилишарди.

— Кошкийди! Лекин иш пайтида қаёқларда санғиб юрибсан, деб редакторинг думингни тугвормайдими?!

— Агар ҳозир бир кило сосиска олиб берадиган кимса топилса, ариза ёзиб ишдан ўз хоҳишим билан бўшаб кетишга тайёрман.

— Аризангни қўятур,— деди Рашид,— дилингни хуфтон қилдиган гапим бор.

— Сен шундан бошқага ярармидинг?!

Рашид кулди, ҳазилда оғайнисига тенг келолмайди бари бир.

— Бормисан бу дунёда?!— меҳрибончиликка кўчди у.

— Юрипман. Бўпти, кўп эзмалик қилмасдан гапир, нима жин уриб мени эслаб қолдинг?

— Сени эсламасдан яшаб бўларканми,— мавҳум гап қилди Рашид.

— Йиғиштир чучмалликни, найзангни санчавер.

— Йўк, рост, оғир кунда эски кадрдонлар кунингга ярар экан.

— Мисол учун мендан умид қилма, агар чўкиб кетаётганингни кўрсам ҳам, тепангга ногора чалиб ўтираман. Чунки...

— Чунки одам эмассан.

— Устига-устак сузишни ҳам билмайман.

Рашид кулиб юборди. Дамир шунақа доим қупол ва калтис ҳазил қилади, лекин барибир ҳазиллари одамга ёқади.

— Менга қара, мижғов, бир учрашайлик,— Рашид аслида кўнгли бўш одам эди ва салга эриб кетарди,— ўлай агар, соғиндим сени.

— Учрашиш қочмас,— жиддий тортди Дамир,— гапир!

— Нима?

— Дардингни.

Рашид ўртоғининг вақти тигизроқ эканини тушунди. Қолаверса, иншонанинг телефонида гаплашяпти, вақтни чўзиш ноқулай бўлаётгандир.

— Телефонда айтиб бўлмайди,— деди Рашид.

— Мен учун телефонда айтиб бўлмайдиган гап йўк. Биласан-ку, ҳеч нарсадан чўчимайман, ҳеч кимдан ҳеч нарса яширмайман. Бебошман, оғзимнинг дарвозаси йўк.

— Биламан, лекин мен сенга ўхшаган тентак эмасман-да!

— Йўк, сен менга ўхшаган тентак эмассан. Сен ақллисан, ғуҷкосан, зийраксан, алломасан, даҳосан...

— Етади!

— Қолаверса, ўтакетган эҳтиёткорсан.

— Хўп айтаман, фақат овозингни ўчир.

— Ўчирдим.

Рашид бир лаҳза жим бўлди, кейин томоқ қириб олиб:

— Озгина пул керак бўлиб қолди,— деди.— Бўлса яхши, бўлмаса хафа бўлмайман.

— Пулми,— энди Дамир ўйланиб қолди,— пул ачиб ётибди.

— Беҳазил.

— Беҳазил, ачиб ётибди. Қанча керак?

— Юз сўмча.

Дамир яна хиёл жим бўлиб қолди.

— Ха, нега нафасинг ичингга тушиб кетди? Айтяпман-ку, топилмаса хафа бўлмайман.

— Келиб опкетасанми ё ўзим обориб берайми?

— Демак, бор?— суюниб кетди Рашид.

— Қаерда учрашамиз?— Дамир саволга савол билан жавоб берди.

— Қаерда десанг, шу ерда. Ўзингга қулай жойни айтавер.

Улар бир соатдан кейин Дамир ишлайдиган бино ёнида, «Тошкент» меҳмонхонаси олдида учрашишга келишишди.

Шу бир соат ичида Дамир роса елиб-югурди, учрамаган тани-

ши, телефон қилмаган оғайниси қолмади, бирортасидан пул топилмади.

У бўшашиб, пастга тушди, келишилган жойга борди.

Рашид жуда интизомли йигит эди, ҳар доим ғайинланган вақтга етиб келарди. У илжайиб, Дамирга пешвоз чикди. Қўл олиб сўрашдилар.

Уёқ-буёқдан сўзлашиб, бир оз турдилар, лекин Дамир учрашишларининг сабабини унутгандек пулдан оғиз очмасди.

— Хўш, берасанми?— ниҳоят сўрашга мажбур бўлди Рашид.

— Нимани?— пинагини бузмади Дамир.

— Э муттаҳам, олчок!— кичкирди Рашид.— Ўзим ҳам ҳайрон бўлдим-а, бу фирибгарнинг ёнида қаёқдан нақд юз сўм бўлсин деб!

— Гўлсан-да, ёнида юз сўми бор одам ҳеч вақт ишхонада ўтирадими?!

— Шун айтсанг-чи, ҳақиқатда гўлман. Нуқул лақиллатиб юрасан мени.

— Лақиллатганим йўқ, кўргим келди.

Рашид ранжиди, лекин сир бой бермади, бўшашиб гапирди:

— Тўғри қилгансан, мана баҳона билан учрашдик. Пул бир гап бўлар...

— Лекин пулим бор,— Дамирнинг юзидан ҳазиллашяптими, тўғриси айтяптими, билиб олиш қийин эди.

— Икки сўмми?

— Йўқ, бир сўм йигирма тийин.

— Бўпти,— деди Рашид,— икки шиша пивоға етади.

— Бекоргинани айтибсан. Бу пулдан ҳали уйга озиқ-овқат, кизимга сут...

— Келинга атлас, ўзингга костюм-шим олишинг керак.

Дамир ўртоғининг ҳазилидан қийкириб кулиб юборди. Рашиднинг сал руҳи кўтарилди.

— Аҳмоқ бўлмасам сен зикнадан қарз сўраб келаманми-а?

— Балодек ҳазилкаш бўлиб қолибсанми? Лекторлар жуда қуруқ бўлишарди-ку!

— Замон ўзгаряпти, оғайни. Ҳозир лекторлар ҳазилкаш, ҳажвчилар эса қуруқ бўлиб кетишган,— деди Рашид,— ўв, мен сен билан валақлашгани келмадим... Ишга қайтиб боришим керак. Кетаверайми, менда ишинг йўқми?

— Юр,— Дамир ўртоғини редакция биносига бошлади.

У қарор қабул қилган эди, гарчи умрида на маошини, на гонорарини бирон марта вақтидан олдин олмаган бўлса ҳам бугун шу одатини бузади. Дамир бош бухгалтер номига маошни олдинроқ тўлашларини сўраб ариза ёзди. Пулни олиб чиқиб, ўртоғига тутқазди.

— Мана, ҳожим, бу дунёда биз учун иложсиз иш йўқ.

— Раҳмат, оғайни, аммо кутқардинг,— сидкидилан гапирди Рашид,— ойимларга бир нарса олиб беришим керак эди, зўр бўлди.

Шу заҳоти тилини тишлади. Ахир Дамир пул нега керак. деб бир оғиз сўрамади, ёлғон тўкиб нима қилади?!

Дамир ўртоғининг галига эътибор бермади. У хизматга кириши керак эди.

— Хўп, йўқ бўлиб кетма.

— Бир учрашайлик, Дамир, ошингни соғиндим,— деди Рашид.— Пулингни янаги ойга ёки...

— Хўп, хайр,— Дамир гапни қиска қилиб, бинога кириб кетди.

Рашид тўғри заргарлик магазинига йўл олди. Бориб хотинига ёқут кўзли зиракни харид қилди. Бу унинг Фаридага биринчи совғаси эди.

3

Фарида бой келин эди, кияман деса, уйдан олиб келган сепи умрининг охиригача етарди. Аммо шунга қарамасдан эрининг арзонгина совғасидан беҳад қувониб кетди.

Фарида раъйини эрига бутунлайин топшириб қўйган итоаткор аёллар тоифасидан эмасди, эри тегажўглик қилган пайтларида Фарида баъзида ундан керак нарсаларни ундириб оларди, меҳмонгами, кино-театргами боришни бўйнига қўярди. Баъзан эса чарчаганлиги, касаллиги ё бошқа нарса баҳонасида тихирлик қиларди, ялантирарди. Гоҳида ҳатто жикиллашиб қолардилар.

Аммо бу кеч Фариданинг ўзи мойил бўлиб, ипакдек эшилиб эркаланди, бутун ихтиёрини эрига топшириб қўйди. Бу кеч у майин ва мулойим, итоаткор ва хушфёъл, сериш ва сержозиба эди.

...Вақт ўн иккиларга яқинлашиб қолганда Фарида шошмасдан устига чойшабни тортди, ёнида ётган эрига қараб:

— Ухлаймизми энди?— деб сўради.

Рашиднинг кайфи чоғ эди, «ҳа» дегандек бош чайқади.

— Елкамда қарз бўлиб қолмасин, мантини боплабсан, шакар бўлиб кетибди.

Фариданинг қув кўзларида қулги чакнаб:

— Эртага бундан ҳам ширинроқ қилиб бераман,— деди.

Рашид илжайди ва бир қўли билан хотинини кучди, дилидан эса бошқа гап кечди: «Э, бола пакир, хотин кишининг кўнглини оладиган нарса совға экан, ҳа, совғага лаққа тушаркан...» Оилавий ҳаётда бу унинг орттирган илк сабоғи эди.

— Рашид ака, ҳозирча ойимларга айтмай қўяқолайлик,— деди яна Фарида эрининг пинжига тикилар экан.— Майлими?

— Нимани?

— Совғангизни-да. Кечагина қирилишган эдик, бугун хотинига зирак олиб келибди, деб тутмасин тагин!

— Ўзинг биласан,— сиполик қилди Рашид, шу гап хотинидан чиққанига хурсанд бўлди, чунки ўзи ҳам шу фикрда эди.

Фарида эрининг пинжига кўпроқ суқилди.

— Нарироқ бориб, ёқут кўзли узук ҳам олиб берасиз. Зирагим билан пар қилиб такиб юраман.

— Майли,— деди Рашид.

Жуда гаплашадиган хонаси эди. Лекин Рашиднинг кузлари сузилиб, мудрай бошлади. Фарида эрига раҳм қилиб тилини тийди.

...Ғалати туш кўрди Рашид, ғаройиб боғда, зилол сувли катта ховузда кўзлари ёқут окқушлар сузиб юрган эмиш ва Рашид окқушлар ўртасида кип-яланғоч бўлиб чўмилаётган эмиш. Ногаҳон тепасида гулрухсор бир парипайкар пайдо бўлибди. Ва ул хурликоминг хил нозу карашмалар, сеҳрли имо-ишоралар билан Рашиднинг таважжуҳини ўзига тортибдир. Паризоднинг ҳуснига маҳлиё бўлган Рашидхон андишани йиғиштириб, дангал муддаога ўтибди. «Чикайми ё ўзингиз тушасизми?» деб сўрабди. «Сиз нима десангиз шу», деб жавоб қилибди маҳваш ва аста-секин ечина бошлабди. Сув ичида бўлишига қарамай, Рашид қора терга тушиб кетибди — шу қадар нафис ва кетворган экан парининг қадди-комати. Эҳтиросга тўлиб кетган Рашидхон парини қутишга тоқат қилмай, ўзи чикмоқчи бўлибди. Аммо қанча ҳаракат қилмасин, ховуздан чиқолмас, кирғоққа қанча ёпишиб-тирмашмасин, сувга чўкиб кетаверар эмиш. Шунда кимдир қулини чўзибди. Бундай қараса Дамир эмиш, тиржайиб турганмиш. Ҳовлиқиб қолган Рашид дарров ўзини оқлашга тушибди:

«Йўқ, мен хотинимга хиёнат қилмайман».

«Биламан,— дебди Дамир,— хиёнат қилмайсан, лекин онангдан бекитма...»

«Нимани бекитибман?»

«Ўзинг биласан»,— дебди Дамир.

Кейин у қаёққадир ғойиб бўлибди. Шу пайт беҳосдан ховуз ботқоққа айланибди ва Рашидни ўз домига тортиб кета бошлабди. Бояги паризод яланғоч кўкракларини сочи билан беркитиб турганича Рашидни елкасидан босиб, ботқоққа чўктира бошлабди...

Рашид сесканиб кўзини очса, тепасида хотини елкасидан туртиб уйғотаётган экан.

— Одамнинг ҳам уйқуси шунақа қаттиқ бўладими? На туртганини сезасиз, на чимчилаганини! Тўққиз бўлди, тура қолинг.

Рашид қаттиқ ҳориган одамдек чуқур хўрсиниб тин олди.

— Босинқираётган эмасмидим?

— Қаёқда, донг қотиб ётибсиз!

— Қанақадир бемаъни нарсалар тушимга кирибди. Ховузда чўмиляпманми-ей, кейин ховуз ботқоққа айланиб қолибдимми-ей.

— Яхши туш кўрибсиз. Сув ёруғлик, ботқоқ бойлик бўлади,— бир зумда тушини таъбирини айтиб берди Фарида.

Унинг бу мавзуга тезроқ чек қўйганининг сабаби бор эди. У ювиниб-тараниб, озгина пардоз-андоз қилган, алланечук таҳликада эди. Қўлидаги қоғозга ўралган нарсани эрининг кўкрагига қўйиб, бир қадар ҳаяжонли ва тантанавор овозда гапирди:

— Вақтидан олдинроқ бўлса ҳам совғамни топшириб қўяқолай дедим. Кам бўлса ҳам кўп ўрнида кўрасиз.

— Раҳмат,— деди Рашид,— йил тўладиган кунгача совғаларни бир-биримизга бериб қўйдик, ўша куни нима қиламиз?

Фарида эркаланиб ўпкалади:

— Сиз менинг совғамни назарга илармидингиз, очиб ҳам кўран-
дмайсиз.

— Очамиз, очамиз,— Рашид ипак ипни ечиб, қоғозни очди.
Унда ажойиб бир кўйлак, галстук ва иккита атиргулнинг расми
сўлинган откритка бор эди. Откритканинг орқасини ўгириб, ёзувини
ўқиди. «Азиз Рашид ака, турмуш курганимизга бир йил тўлган
кун билан сизни табриклайман. Мартабангиз улуғ, давлатингиз
зиёда бўлсин. Сизга доим омад кулиб боксин. Вафодорингиз Фа-
рида».

Рашид хотинининг такаллуфидан эриб кетди, айни пайтда шу
нарсга ўзининг миясига келмай, совғани қуруқ топширганидан хижо-
лат чекди.

— Яна бир марта раҳмат,— у жилмайиб турган хотинининг
лабидан ўпди.

Фарида уй юмушларига эпчил эди. Зум ўтмай нонушта тайёрла-
ди. Ювиниб чиққан Рашид чопонини елкасига ташлаб, стол қошига
ўтирди.

Фарида унга чой қуйиб узатди.

— Ойимларни чақирмайсанми?

— Шу ерга тушибманки, бир кунни канда қилмай чақираман,
билдиларми яхшиликни? Қайтанга талтайиб кетяптилар. Нукул мен
ён босаман. Ўзингиз чақира қолинг.

— Сени йўлинг бошқа, келинсан.

— Сиз ўғилларисиз. Менга қаранг,— бирдан бобиллаб берди
Фарида,— нима, бу уйда меҳмонмилар таклиф кутадилар?! Ўзлари
келаверсинлар. Аралашиб кетиш ўрнига нукул ўзларини четга
тортадилар бегонага ўхшаб?!

— Ҳа, энди қари одам, ҳурмат қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

— Иззат-ҳурматни менчалик қилади одам. Сийлаганни сигир
билмас дейдилар. Мен ҳам ердан чиққан эмасман. Бугун бориб
чақирай-да, «Ўл-а, ялинаркансан-ку, бу айбингни бўйнингга олган-
нинг», деб баттар ҳаддиларидан ошсинлар!

Улар биринчи бор нонуштага оналарисиз ўтирдилар. Рашиднинг
томоғидан ҳеч нарсга ўтмади.

— Сен унақа кинчи эмасдинг-ку, Фарида. Биламан, ойимларнинг
характерлари оғир. Бўлар-бўлмасга тумшайиб юрадилар. Аммо у
кишини ҳам тушуниш керак, отамдан ёш қолганлар, бошқа турмуш
курмай, ёлғиз ўзлари рўзғор тебратганлар. Ўша азобларнинг асабда
асорати қолган-да.

— Шу феъллари бўлса, мени ҳам яқинда адоий тамом қила-
дилар.

Фарида ўрнидан туриб, даҳлизга чиқди. Малол келаётганини
яширмай останада чакирди:

— Ойи, чойга келинг.

Хотинининг ён босгани Рашидга ёқди, ҳар қалай одамгарчилиги
бор. Аммо онасидан дарак бўлмагани ранжитди уни. Жуда унақа
иззатталаб бўлиш ҳам ярамайди, ҳарҳолда катталар ёшларни инок-
ликка ўргатиши, ибрат бўлиши керак. Қарс икки қўлдан дейдилар-
ку, онаси ҳам сал қайишиши керак-да.

Эру хотин индамай ўтириб, нонушта қилишди. Чойдан кейин Рашид кутубхонага боришини айтиб, ўрнидан турди.

— Шартми шу бугун кутубхонага боришингиз? — кутилмаганда тўскинлик қилди Фарида.

Хотинининг бунақа одати йўқ эди, Рашид ҳайрон бўлди.

— Лекциямга керакли адабиётларни титқилаб келмоқчийдим.

— Кутубхона қочмас, бугун меҳмонга борамиз.

— Кимникига?

— Қамариддин аканикига.

Бу номни эшитиш билан Рашид миқ этолмай қолди. Фарида нима мақсадда уларникига бошлаётганини яхши биларди.

Фарида либосларининг асилини кийди, энг қимматбаҳо тақинчокларини тақди, бисотида марғилон атласи бор эди, совғага олди, эрини ҳам ясатди.

Кун пешиндан оғганда йўлга отландилар. Ҳовлига чиққанларида ўз уйининг олдини супураётган Матлуба холага дуч келдилар. Келин индамасдан ўтди, лекин Рашиднинг бирор нарса демасликка бети чидамади:

— Ойи, биз битта ўртоғимникига бориб келамиз иш билан.

Матлуба хола ёшларга ер тагидан ёвқараш қилди, эшитилар-эшитилмас минғиллади:

— Менга нимага айтасан, хотининг билан келишган бўлсанг кетавер-да.

— Ҳеч тўғри гапингиз борми, ойи,— деди Фарида шанғиллаб,— ўғлингизнинг изми ўзида, нега дарров мени ўртага тикасиз.

— Бу уйда сен-да хўжайин, ўғлимни-ку аллақачон бурнига ип тақиб олгансан, энди мени бошимга чиқиб олмоқчисан. Хомтама бўлма, мен у дунё-бу дунё сенга қўрилиқ қилмайман.

— У сиз, одамларни қўри қиладиган,— жеркиб гапирди Фарида.

— Э, ундан кўра ўша бир пиёла чойингни бермай қўяқол,— Матлуба хола бирдан қакшаб кетди ва кўзидан тирқираб ёш оқди,— мен итмидимки, остонадан туриб чақирасан? Ўша қўйнига кириб ётадиган эрингнинг онасиман! Сени писандали бир бурда нонингни егандан кўра заҳар ютганим маъқул!

Бирдан Рашиднинг онасига юраги ачишиб кетди, яхши гап айтиб тасалли бергиси келди.

— Ойи, нон буникими, мен топиб келяпман-ку.

Матлуба хола бу гапни бошқача тушунди.

— Ҳа, сенга фақат хотинингнинг ёнини олиш бўлса! Қандай қилиб жодугар бошингни айлантириб олди — билмайман.

— Жодугар деб сизни айтади! — Энди Фарида кўз ёши қилди. — Шунақа ҳам бахил она бўладими, болаларининг инोक яшаганини ҳам кўролмайдми? Нукул кўз очиргани қўймай, сиқиб сувимни ичасиз. Мақсадингиз нима, ажратиб олишми, ҳаётимизни бузишми? Э пешонам курсин шўр бўлмай.

Қайнона-келин ув солиб йиғлашарди. Рашиднинг расмана ғазаби қайнаб кетди.

— Икковинглар ҳам аҳмоқ экансизлар! — деб қичқирди ва ниш-тоб билан қучага чиқиб кетди.



Анча жойгача даргазаб бўлиб борди. Ниҳоят, автобус бекатида тўхтади, сигарета олиб тутатди. Кўп ўтмай Фарида етиб келди.

— Нима, онангизни олдида хотинингиз билан бирга чиқиб кетгани кўрдингизми?— деди у ҳам ўпкалаб, ҳам сал эркаланиб.

— Бўлди, қўй шу гапни,— деди Рашид,— хархашаларинг нақ бўғзимга етди.

Фарида дастурмолчаси билан бурнини, кўзини артди.

— Такси оласизми... мен бу аҳволда автобусда юролмайман.

— Кимнинг тоқати бор дейсан автобусингга!— тўралик қилди Рашид.

— Фақат йўлда бирорта магазин олдида тўхтаб, бир кило шоколад конфет олволишимиз керак,— пикиллаб гапирди Фарида.

— Майли,— деди Рашид ва гапни ҳазилга бурди,— конфет обериб оутмасам, бора-боргунча йигидан тўхтамайсан шекилли.

Фарида жилмайди. Рашид бўш таксига қўл кўтарди.

Машина шаҳар маркази томон йўл олди.

Улар «Ўзбекистон 50 йиллиги» кўчасида машинадан тушдилар. Муюлишдаги универсамга кириб, энг қимматбаҳо шоколад конфетдан бир кило харид қилдилар.

Уй бекаси Зубайда опа уларни жуда илиқ кутиб олди. Қамариддин ака уйда йўқ, лекин ҳозир келиб қолиши керак экан. Зубайда опа Рашид иккита хотин орасида ўзини ноқулай сезаётгани учун уни Қамариддин аканинг иш кабинетига таклиф этди. Китоблар кўп, зерикмасиз, деди.

Рашид Қамариддин аканинг хонасига кириб, оғзи ланг очилиб қолди. Деворнинг икки ёғи стеллаж қилинган, ҳаммаси китоб, қимматбаҳо мебель, ипак гиламлар, биллур кандил, япон музика аппаратураси... хуллас, ҳаммаси антиқа.

Бу бойлик яширин кучга айланиб, уни сал эзаётгандек ва хонадон соҳиблари беихтиёр унинг устидан ҳокимлик қилаётгандек сезди ўзини.

Китоблар орасида Қамариддин аканинг қаламига мансублари ҳам бор эди. Адабиётшунослик бўйича мақолалар, йирик ўзбек ёзувчиларининг ижодига бағишланган монографиялар, тақризлар... Олдингиларида фамилиясининг тагига кандидат, кейингиларига филология фанлари доктори деб қўйилган.

Меҳмонхонада шовкин кўтарилди. Рашид уй эгаси келганини тушунди, сал чўчиб, юзида муте бир табассум билан меҳмонхонага йўл олди. Кенг даҳлизда унга Қамариддин ака пешвоз чиқди. Саломлашишдан олдин очик чехра билан яйраб қолди.

— Зап чиройли иш қилибсизлар-да келиб,— деди Рашиднинг иккала ёноғидан ўпиб.

Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтирдилар. Қамариддин ака битта гапириб, ўнта кулар, қизиқчилик қилиб, бошқаларни ҳам кулдиришга тиришарди.

Зубайда опа Фарида совғага олиб келган атласни эрига кўрсатиб мактанди:

— Сиз бунақасини у дунё-бу дунё топиб беролмасдингиз,— деди.

— Э, бизга йўл бўлсин,— тан олди Қамариддин ака, — шу напгача чит билан ипакнинг фарқига боролмайман-ку.

— Қамариддин ака, адамлар айтган нарсангизни топиб қўйишдилар, вақтлари бўлганда келиб опкетсинлар, дедилар,— Фарид «сизни ҳам куруқ қўймаймиз», маъносида гап қистирди.— Уша ўзингиз айтганингиз. Бельгияниқидан бўлибди.

— Ие, шунаками?! Зап хожатбарор одамлар-да адангиз, раҳмат.

Аёллар овқатга уннагани ошхонага чиқиб кетди, эркаклар ёлғиз қолди. Қамариддин ака жиддийлашиб, аста сўз бошлади.

— Энди, Рашидхон, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор. Фақат насиҳат қияпти, деб оғир олманг.

— Йўғ-э, бажонидил, эшитаман,— юраги тез-тез уриб кетди.

— Бир донишманд, қўлингдан келса, бировдан яхшилигинини аяма, қўлингдан келмаса ҳам уриниб кўр. Одатда яхшиликка ёмонлик қайтади, шуни билатуриб ҳам яхшилик қилолсанг, демак, ҳақиқий инсонсан, деган экан.

— Раҳмат, Қамариддин ака.

— Уша, сизникида бўлганимизда бир гапни бошлаган эдик, аспирантурага киришингиз ҳақида. Шу гап гаплигича қолиб кетмаслиги керак. Лекин биз ишни бошқа нарсадан бошлаймиз,— Қамариддин ака аллақанча фурсат жимиб қолди.

— Сиз нима десангиз шу,— ютиниб илтижо қилди Рашид.

Қамариддин ака чўнтагидан сигарета олиб ёкди, ҳузур билан тутун буркситди.

— Сиз энг аввал ишингизни ўзгартиришингиз керак.

Бу гап Рашидни сал довдиратиб қўйди.

— Албатта, лекторлик ҳам яхши касб. Аммо перспективаси, келажига йўқ. Бу бир. Иккинчидан, куруқ жой.

Рашид яна ҳеч нарсага тушунмади. Бу Қамариддин акага ёкди.

— Мени тўғри тушунинг, сизни ёғлиқ жойга кириб олинг демокчи эмасман. Гап бошқа ёкда. Биз ўзимиздаги қобилиятни кўрсатиш, уни ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак. Акс ҳолда истеъдод занглаб қолади.

Рашид ҳамсуҳбатининг сўзини бўлишга журъат этолмай, фақат бош силкиб қўйди.

— Сиз эса, Рашидхон... истеъдодли йигитсиз. Буни мен сизни биринчи кўрганимдаёқ сезганман. Бу масалада, яъни одамларга баҳо беришда, мен деярли янглишмайман. Шундай экан, боя айтганимдек барча имкониятларни ишга солиб, ўзингизни кўрсатишингиз зарур. Шунинг учун ишни ўзгартиринг деярман.

«Айтишга осон, мен кимга ишониб, ишни ўзгартираман?» деган сўзлар кечди Рашиднинг хаёлидан.

Қамариддин ака худди унинг фикрини ўқигандек давом этди:

— Албатта протекциясиз, бирор суянчиқсиз бу ишни амалга ошириш қийин. Уёғини бир амаллармиз.

— Раҳмат, Қамариддин ака,— Рашид ҳам анойи эмас, анча топқир эканлигини кўрсатмоқчи бўлди,— бир танишим бор, омадим келсин десанг, институтни битирибоқ партия ишига, бирор райком-панкомга ишга кириб ол, деб юрарди нуқул.

— Йўқ, оғайни... Албатта партияга кириб олиш керак, лекин мен бошқа нарсани назарда тутяпман.

«Нима бало, бирорта база ёки магазинга мудир бўлгин демокчим бу»,— хавотирланиб дилидан ўтказди Рашид.

Қамариддин ака зийрак, сезгир одам эди, бу гап ҳам топди Рашиднинг ҳаёлидан кечган фикрни.

— Ўзингизни соҳангизда ишлайсиз. Жой кўп: радио, телевидение, газета-журнал редакциялари, нашриётлар.

Рашид ўз ҳиссиётларини яширишни билмасди — ҳозир ҳам ҳафсаласи пир бўлгани юзига қалқди.

— Ўшанака жойларда ишласангиз, ҳамма ёзувчи ва танқидчилар қўлингизда бўлади. Истаган кишингизга чойчақа бериб турасиз. Қолаверса, диссертация ёкламоқчи экансиз, албатта, газета-журналларда мақолалар эълон қилиб туриш керак. Сиздан беркитмайман, бизда олинг қуда, беринг қуда, деган гап бор. Битта-иккитасининг нарсасини боссангиз, марра сизники...

Рашид ўйланиб қолди. Қамариддин ака тавсия этаётган йўл, гарчи тўғри бўлса ҳам унга сал эриш туюлди. Виждонга доғ тушмасмикин?

— Яна қайтараман, истеъдодни чиритиб юбормаслик учун ҳамма имкониятларни ишга солиш керак.

— Шундоқку-я...

— Мен сизни пок йигитлигингизни биламан. Лекин ҳаёт мураккаб. Гоҳида, яхши ниятларни амалга оширмоқчи эканмиз, удабурро, тадбиркор бўлишимиз керак, акс ҳолда, умримизнинг охиригача ўртамиёна хизматчи, оддий лектор бўлиб юраверамиз. Сизни яхши кўрганимдан, сизга ишонганимдан айтияпман бу гапларни.

— Ўйлаб кўриш керак экан,— деди Рашид бўшашиб.

— Ҳа, ўйлаб кўринг. Телевидениедаги танишлар адабиёт бўлимида жой бор дейишди.

Бу гапни эшитиб, Рашидга жон кирди. Телевидение янги ташкил қилинган ва у халқ орасида жуда катта қизиқиш уйғотган эди.

— Телевидениега бўлса ўтардим лекин...

— Шошилманг, яна бир ўйлаб кўринг. Уйдагилар билан, қайнотангиз билан маслаҳатлашинг.

Қамариддин ака ўрнидан туриб, магнитофоннинг мурватини босди. Инглизча қўшиқ янгради.

— Мен, Рашидjon, олифтарчиликни ёмон кўраман. Ўзини фаришта қилиб кўрсатадиганлардан эмасман. Ақлли одам шароитга мослашишни билиши керак, ҳа, келажакда ўзига ва бировларга наф келтира олиши учун шароитга мослашишни билиши керак.

Қамариддин аканинг гаплари Рашидни анча гангитиб қўйганди. Унинг фалсафаси, гарчи Рашид дорилфунунда олган сабоқларига қарама-қарши бўлса-да, мантиқдан холи эмас эди.

Меҳмондорчиликдан қайтган кунидан бошлаб Рашиднинг юраги-га ғулғула тушиб қолди. Қамариддин ака тавсия этган юксакликлар-

га бошловчи сўқмоқ мафтункор бўлиб, борган сари кўпроқ Рашиднинг ўзига чорларди. Йўқ, Рашид ҳеч қачон виждонини сотмайди, ҳамма нарсага ўз кучи билан ҳалол эришади.

Аммо Қамариддин ака айтганидек, шароитга мослашишни ўрганади. Бу эса айб эмас, бу ҳамманинг эмас, фақат уста одамларнинггина қўлидан келади. Эгилган бошни қилич кесмайди дейишади. У ҳам ҳўжақўрсинга гоҳида бошини эгиши мумкин, аммо аслида ўз маслағи ва эътиқодига содиқ қолаверади. Бунинг учун чувалчангдек суяғи йўқ, капалакдек майин, баликдек силлиқ, тўтиқушдек ҳозиржавоб, қўйдек ювош, мушукдек ялтоқ, тустовукдек товлана билиши керак. Рашид илжайди, рост-да, атроф тўла улов бўлса-ю, нега энди у пиёда юриши керак?!

Рашид хотинига Қамариддин ака билан ўрталаридаги бўлган гапнинг ҳаммасини айтмади. Энг нозик томонларини яширди. Чунки ўзи ҳақида яхши фикр туғдиришга ҳаракат қиларди, хотинининг кўзига ҳатто хунукроқ кўриниб қолишдан чўчирди, шунинг учун доим соч-соқолини киртишлаб, ўзига оро бериб юрарди.

Телевидениега ишга жойлашиш имконияти Фаридани шошириб қўйди. Янги соҳа, кенгайдиган, ривожланадиган соҳа. Кечиктирмасдан шу ишни амалга ошириш керак.

Эртасига Фарида Зубайда опага телефон қилди, янги иш ҳақида Зубайданинг фикрини сўради. Фариданинг режаси содда ва мантиқли эди. Ҳар қандай эркак ҳам ўзи истайдими-йўқми, хотини билан бамаслаҳат иш тутади. Агар Фарида Зубайда опани ўзлари тарафга оғдириб олса, иш янада осон кўчади.

— Қамариддин акангиз айтган бўлсалар, иккиланманглар, чунки у киши етти ўлчаб бир кесадилар, узокни ўйлайдилар,— деди Зубайда опа.

— Раҳмат, мана сиз ҳам маъқуллаяпсиз, жон-жон деб ўтадилар, агар Қамариддин акам ёрдам берсалар, умр бўйи ўзимизни у кишидан қарздор деб ҳисоблардик.

— Бўлмаса кечқурун телефон қилиб, Қамариддин акангизнинг ўзлари билан яна бир гаплашинглар. Агар жуда осмонга сакрайдиган бўлсалар, жиловларидан тортиб қўярман. Хўп, оповси, соғ бўлинг.

Фарида сабрсизлик билан кеч бўлишини кутди. Лекин на ўзи, на Рашид телефон қилишга журъат этолди. Ҳаёт-мамотлари Қамариддин аканинг қўлида эди, бирор ноҳўя гап қилиб, унинг шаштини қайтариб қўйишдан чўчишарди.

Кечки соат ўнларга яқин Қамариддин аканинг ўзи телефон қилиб қолди.

— Вой, сизмисиз, Қамариддин ака?— қичқириб юбораёзди Фариди.

— Бугун мени йўқлаган экансизлар, деб эшитдим.

— Ие, сизни овора қилибмиз-да, Қамариддин ака, ҳозир ўзимиз телефон қилмоқчи бўлиб турувдик.

— Хўш, қарор қандай бўлди?— Қамариддин ака одати бўйича хўшхол ва сертакаллуф эди.

— Карорми? Қандай бўларди, сиз нима десангиз шу-да. Айтишади-ку, кимнингдир қисмати ўзгартириб юборишга доим бошқа кимдир сабаб бўлади деб.

Трубкадан Қамариддин аканинг кулгиси эшитилди.

— Йўқ, Фаридаҳон, бу масалада шошмаслик керак. Адангиз жуда зукко одамлар, ўша кишининг олдиларидан ҳам утинглар.

— Вой, адамларга маслаҳат солмасдан бўларканми? Эшитиб жуда суюниб кетдилар. Қамариддин акангларнинг чизган чизигидан чиқмасанглар, кам бўлмайсизлар, дедилар,— бирпасда ёлгон тўкиди Фарида.— Сизга салом айтишни, раҳмат деб қўйишни тайинладилар.

— Мендан ҳам салом айтинглар,— Қамариддин ҳузур қилиб кулди.— Бўлмаса гап бундай, Рашиджон эртага соат тўртларда, йўқ, тўртга улгурмасам керак, яхшиси соат бешларда телевидениега борсинлар. Кираверишда, фойенинг олдида кутаман.

— Раҳмат, Қамариддин ака, шундай кизиқиб қолдикки, йўқ деб қолишса, нима қиламиз, деб юрагимизни ҳовучлаб ўтирибмиз.

— Ҳа, энди озгина дахмаси ҳам бўлади. Лекин шу пайтгача бирор жойда гапимиз ерда қолмаган. Хўп, хайр.— Қамариддин ака трубкани илди.

Фарида ёнида қулоғини диққайтириб турган эрига илжайиб бокди.

— Иш беш, эртагаёқ опкириб қўймоқчилар. Аммо зўр одам-да!

— Ишонгим келмаяпти шунчалик силлиқ битишига,— Рашиднинг ҳам оғзининг таноби қочди.— Қўлидан келмай қолса-чи?

— Э, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Энди уйга телефон қилиб қўйиш керак. Атайдан сўради, адангларнинг олдидан ўтдингларми деб. Жуда пихини ёрган одам-да. Яхшилиқни биздан кўра адамга қияпти, билади-да адамдан унади, биздан нима унарни?!

Фарида шошиб рақам терди.

— Алло, сенмисан Босит?

— Мен,— эриниб жавоб қилди укаси.

— Адамлар уйдадилар?

— Кассеталаримни қачон қайтариб берасан?— деб сўради ўз ғамида Босит.

— Турибди кассеталаринг. Вақтим бўлмаяпти ташлаб ўтгани. Нима, ейилиб қоладими, кўркасан? Адамларни чақирвор.

— Ҳа, ейилиб қолади. Унақаси ҳеч қаерда йўқ, японларники. Икки ойдан бери алдайсан обориб бераман деб.

— Бўпти, оласан. Адамларни чақир.

— Қачон?

— Адамларни чақир деяпман сенга! Э кассетанг бошингдан қолсин. Эртага обориб бераман, бўлдимми?

— Кўчириб олишга яхши запислардан борми?— сира ҳовлиқмасди Босит.

— Э, гапни кўп чўзмасдан адамларни чақир, зарур ишим бор,— токатсизланди Фарида.

— Зўрларидан топсанг, битта кассетани сенга совға қиламан.

— Бўпти, эртага гаплашамиз,— ён босишга мажбур бўлди Фарида.

— Ростдан топасанми?

— Ўв, галча, адамларни чақир деяпман, вақтим тигиз!

— Менга сенинг хиндча қўшиқларинг керак эмас, итальянчасидан кўпроқ бўлсин. Чао!

Босит адасини чакиргани кетди. Лекин ҳадеганда Умархон ака кела қолмади. Ёки Фаридага шундай туюлди, ниҳоят, трубкадан Умархон аканинг вазмин овози эшитилди:

— Эшитаман?

— Ассалому алайкум, ада. Яхши ўтирибсизларми? Ойимлар, болалар ҳаммалари яхшими?

— Ваалайкум ассалом.

— Ўзингизнинг соғлиқларингиз жойидами?

— Ҳм. Ўзинглар қалайсизлар? Куёв бола, қайнонанг?

— Яхши, ада, ҳаммаси яхши. Ада, битта гап чикиб қолди. Қамариддин ака Рашид акамни янги ишга, телевидениега жойлаштириб қўяётган эдилар. Шунга сиз нима дейсиз? Қамариддин ака ҳам айтдилар, адангнинг олдиларидан утгин деб.

Умархон ака бир оз жим қолди.

— Телевидениеда нима қилади, артист бўладими?

— Вой, йўқ, худо сақласин. Редактор бўладилар-да, адабий ходим. Артистлар гапирадиган гапни тайёрлаб берадилар. Қамариддин ака келажаги яхши иш деяптилар, ҳа, кейинчалик кўтарилиб кетишлари мумкин экан.

— Ҳм...— деди вазминлик билан Умархон ака, кейин ўйланиб қолди, анчагача жим турди.

— Ҳарҳолда обрўли жой, қачонгача лектор бўлиб корхонама-корхона санғиб юрадилар,— бижиллашда давом этди Фарида.

— Қамариддин аканг айтган бўлса майли, у ишнинг кўзини биладиган одам.

— Ҳа-да, биз ҳам шунинг учун дарров кўнақолдик. Қамариддин ака ҳеч қачон...

— Менга қара, адангга маслаҳат сол, деган бўлса, бундай қиласан,— кизининг сўзини бўлди Умархон ака босиқлик билан,— мендан битта нарса сўраган эди...

— Биламан, пальто! Айтдим, магазин адресини айтсангиз, бориб оладилар...

— Ўшани,— худди кизининг гапини эшитмагандек вазминлик билан давом этди Умархон ака,— у кишини овора қилмасдан ўзинг овориб берақол. Эртага ишхонамга ўтсанг, бериб юбораман.

— Майли, нечаларда борай?

— Фақат, таомилини келтириб тутқазасан, у нозик одам, кўнглига ҳар хил нарса келмасин. Чин юракдан совға дейсан.

— Вой, совға қиласизми, ада?!— Фарида ҳовлиқиб кетганини сезиб, бирдан тилини тишлади,— майли, ада, пулини ўзимиз берамиз.

— Шунака бой бўлиб кетдингми?— беғараз пичинг билан сўради Умархон ака.

— Ҳа, топаман пул. Икки ойлик стипендиямни, Рашид акамнинг маошларини йиғиб, икки-уч ойда қутуламан қарздан.

— Бир йиллик стипендиянг пальтонинг ярим нархига етмайди,— қулди Умархон ака.— Бўпти, қизим, совға мендан. Рашид акагни янги ишга жойлашиб олишига суюнчи.

— Раҳмат, ада, Рашид акам билан яхшилигингизни минг фоиз қилиб қайтарамиз.

— Бўпти. Мана, ойнинг гаплашмоқчи.

— Ада, ада, бир минут. Рашид акам билан келишиб, кооператив квартира олмоқчимиз. Шунга сиз нима дейсиз?

Умархон ака яна анчагача жим қолди.

— Қайнонанг биланми?

— Йўқ, қайнонам қолади.

— Ярашмаган қилиқ қилма. Эшитганлар нима дейди, ёлғиз онасини ташлаб квартирага қочибди демайдими? Ҳеч ким куёв болага ҳеч нарса демайди, ҳамма сени айблайди.

— Э, унга яхши бўлади, ёлғиз яшаб ўрганиб қолган, битта ўзи катта ҳовлида мазза қилиб яйрайди,— деди Фарида,— пулидан секин-секин қутулиб кетамиз.

Бу билан «оғирлиги сизга тушмайди», демоқчи бўлди. Қизининг ўзига етгунча усталигидан Умархон ака мийиғида қулиб қўйди. Аммо гап пулда эмас, уй оладиган бўлса, ҳақини Умархон ака тўлайди, бунинг унга оғирлиги йўқ. Гап бошқа нарсада эди.

— Йўқ,— чўрт кесди Умархон ака,— қарғиш эшитадиган иш қилма.

У трубкини хотинига тутқазди.

— Гаплаш кизинг билан.

— Майли, ада, кейин маслаҳатлашиб кўрармиз,— бу масалани узил-кесил йўққа чиқаришни истамади Фарида,— аммо пальто учун раҳмат.

Унинг кейинги гапларини адаси эмас, онаси эшитди. Она-бола узок гаплашишди. Ҳарҳолда қиз бола онаси билан кўпроқ сирдош бўлади-да.

Рашид сабрсизланиб, гапнинг тугашини кутарди, лекин бас қилақол, дейишга журъат этолмасди.

Ниҳоят, Фарида трубкини илди. Ичи пишиб кетган Рашид норозилик билдирди.

— Жуда чўзасан-да гапни! Ичим пишиб кетди.

— Бегона билан эмас, ойимлар билан гаплашдим-ку!

— Хўп, адангдан кел, нима дедилар?

— Э, ишлар зўр!— Фарида диванга ўтирди, Рашид унинг қарши-сига креслога чўкди. Бутун вужуди қулоқ бўлиб, хотинига тикилди. Фариданинг кўзлари севинчдан порлаб, ошиқиб гап бошлади.

— Қамариддин ака сўраб юрган пальтони адамлар текинга совға қиладиган бўлдилар.

— Совға пуллик бўлармиди,— Рашид хотинига ўхшаб суюниб кетмади,— бунақа нарсаларга тобим йўқроқ. Қандайдир нопок иш қилаётгандек сезяпман ўзимни.

— Бўпти, сизни бундан озод қиламан,— пинагини бузмай давом

этди Фариди,— ўзим элтиб бераман. Сираям хафа бўлмайди, чунки бу миннатдорчилик белгиси. Ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб индамай кетиш — кўрнамаклик.

— Бекорга бувинг отинойи ўтмаган эканлар,— Рашид ҳовуридан тушиб, иягини қашиди.— Қандай қилиб авраб қўйганингни билмай қолади одам.

Кутилмаганда ғалати бир фикр унинг миясига бигиздек санчилди: ҳозир унинг ўрнида Дамир бўлганида қандай иш тутарди, Қамариддиннинг ҳомийлигини қабул қилармиди ё буни тиз чўкишга йўярмиди? Ким билади, оғизда биз ҳаммамиз номусимизга гард ҳам юқтирмаймиз, амалда эса...

Эртасига эрталаб нонуштага ўтирганларида унинг кайфи жуда яхши эди. Дастурхон устиди онаси йўқлигини кўриб, кўнгли яна ғаш бўлди. Қайнона-келин чиқишмаси, азобини ўғил тортар экан. Қачон тамом бўларкин ўрталаридаги адоват?! Ё, дарҳақиқат, алоҳида туришсинми, шунда бир-бирининг қадрига етишармикин?!

Эру хотин индамасдан ўтириб нонушта қилдилар.

— Кеча кооператив квартира ҳақида гапирганингда аданг нима дедилар?— қўққисдан сўраб қолди Рашид.

— Квартира ҳақидами...— вақтни ютиш учун Фариди кўлидаги чойдан хўплади, шошмасдан жавоб қилди,— аниқ бир гап айтмадилар, кейинчалик ўйлашиб кўрармиз, дедилар. Лекин оладиган бўлсак, ёрдамлашиб юборадилар.

Кучли одам бировларга ҳам куч бағишлайди, йиғлоқилар муттасил нолийвериб, бошқаларни ҳам ҳолсизлантиради, деганларидек Фариданинг шаддодлиги Рашиднинг ҳам руҳини тетиклаштиради.

— Бўпти, биз кетдик,— Рашид ўрнидан турди.

— Тўхтанг.

Фариди шкафни очиб, кечаси тайёрлаб қўйган кийимларини олди. Рашид тўйда сарпога қилинган янги костюм-шим, оппоқ шойи қўйлак, чех галстуги, ялтироқ қора туфлини кўриб, олдиниға қаршилиқ қилишга уриниб кўрди.

— Э, қўй-ей, нима, меҳмонга кетяпманми?

— Кияверинг. Кечқурун телевидениега учрайдиган одамсиз. Яхши уст-бошда гап кўп. Хору зор одамнинг ишга жойлашиши кийин бўлади,— деди қатъийлик билан Фариди,— сиз садақа сўраб эмас, сенларнинг идорангни назарга илиб ишга кираётганим учун раҳмат айтинглар, дегандек боринг.

— Бизга кеккайган бойваччалар керак эмас, кашшоқ бўлса ҳам ҳалол ходим керак, деб думимни тугворишса-чи?!

— Унда, ҳазиллашувдим, бу кийимларни оғайнимдан бир кунга қарзга олувдим, дейсиз,— балодек ҳазилкаш эди Фариди ва унинг шу хусусияти эрига айниқса ёқарди.

У эрини кўнгилдагидек ясантириб, кўча эшиккача кузатиб чикди.

— Омадингизни берсин,— деб хайрлашди.

Рашиднинг кўнгли алланечук бузилиб кетди, ортидан термулиб қолган хотинининг умидлари пучга чиқмаслиги учун энди қандай қилиб бўлса ҳам ўша телевидениега ишга кириб олиши керак.

У ишхонасида кўнни аранг кеч қилди, шошилмасликка қанча

ҳаракат қилмасин, барибир телевидениега тайинланган вақтдан ўн беш минутча илгари борди. Эшикдан сал нарироқда сигарета тутатиб, Қамариддин акани кутди.

У сал кечикиб келди, аммо жуда хушҳол ва тетик эди. Рашид билан жилмайиб сўрашди, қўлтиғидан олиб, бинога бошлади.

Буфет ёнидан ўтаётганларида гузаллиги ва кироати яхшилиги билан бутун республикага донг таратган диктор киз Нафисахон учради. Ундан кейин машҳур хонанда, кизикчи артист...

Улар учинчи қаватга кўтарилиб, катта хонага кирдилар. Қамариддин акани кўришлари билан хонадагилар ирғиб ўринларидан турдилар.

— Ассалому алайкум, Қамариддин ака, қани буёққа чиқинг.

Қамариддин ака ҳам академияда, ҳам университетнинг филология факультетида ишларди. Газета-журнал редакцияларида, радио-телевидениедаги кўпчилик ходимлар унинг талабалари эди. Ундан ташқари тез-тез телевизор орқали чиқиб турарди. Шу боисдан у ўзини уйидагидек ҳис этиб, турдаги стол ёнига йўналди.

— Танишиб қўйинглар, шогирдлардан,— у Рашидга ишора қилди.

Ходимлар Рашидга қараб «хуш кўрдик» дегандек бош силкидилар. Унинг лавлагиси чиқиб кетди. Илдам бориб Қамариддин ака кўрсатган стулга ўтирди, шундан кейин сал енгил тортди.

— Бошлик кўринмайдилар?— сўради Қамариддин ака.

— Бошликни катта бошлик чақиртирган эди, ҳозир келиб қолади,— жавоб қилди қотмадан келган кўзойнакли йигит.

Бўлимдаги ходимларнинг ҳаммаси ёшлар экани Рашидга ёқди. Булар билан ишласа бўлади, ёшлар бир-бирини осон тушунади.

— Қамариддин ака, кўрсатуvinгизни летучкада макташди,— деди бояги кўзойнакли йигит.

— Телевизор кино билан театрнинг омихтаси. Шунинг учун куруқ гап кетмайди,— деди Қамариддин ака,— кўрсатувлар биринчи навбатда томошабоп бўлиши керак.

Хона эшигида сарғишдан келган йигит пайдо бўлдию гапнинг белига тепди.

— Бошликларнинг креслолари кўринишидан юмшоққина бўлса ҳам яширинган михлари бўлади. Шунинг учун жойинг ўзингга буюрсин,— Қамариддин ака ўрнидан турди.

— Бемалол ўтираверинг,— йигит Қамариддин акани елкасидан босиб, ўтқазиб қўйди,— теримиз қалин, унча-мунча михларни пивсанд қилмаймиз.

— Дарвоқе, танишинглар, Турғунали Очилович, бош редактор. Бу Рашидбек, укалардан.

Турғунали Рашидга қараб илиқ жилмайиб, бош силкиб қўйди.

— Хўш, биз кичкина юмуш билан келгандик.

Қамариддин аканинг Турғуналига шахсий гапи борлигини сезган ходимлар ҳар хил нарсани баҳона қилиб, бирин-кетин хонани тарк этишди.

— Тушунган одамларнинг садағаси кетсанг арзийди-да,— муддаога ўтишга қарор қилди Қамариддин ака.

— Кулоғим сизда,— деди Турғунали.

— Бундан икки ойча муқаддам бўлимимизга битта ходим керак, штат бўш ётибди дегандинг. Ўша жой турибдими?

— Жой бўш ётса, буларга одам керак эмас экан, деб дарров штатни қискартириб ташлашади.

Рашид бирдан бўшашиб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Аммо Қамариддин ака тетик эди.

— Чакки қилибсан шошилиб. Мен сенинг гапингга биноан Рашидбекни етаклаб келувдим.

— Ўшанда бир оғиз шипшитиб қўйганингизда бир иложини қилардик. Индамаганингизга...

— Хўш, энди ҳеч иложи йўқми?

Турғунали хижолат чўкаётганини яширолмади.

— Бошқа бўлимлардан суриштириб кўриш мумкин.

— Йўқ, бошқа бўлимлар бизни кизиқтирмайди,— баланддан келди Қамариддин ака.

— Унда битта йўли бор,— деди Турғунали,— раиснинг телевидение бўйича муовини билан ўзингиз гаплашиб кўрасиз. Ўша бир оғиз айтса...

— Шу одамни сира жиним ёқтирмайди. Юракдан тариқча йўқу кеккайишидан от ҳуркийди.

— Ҳа, гердаишни ўрнига қўяди.

— Энди бундай қиламиз, Рашидбек бебуйруқ бўлса ҳам ҳозирча иш ўрганиб турсин. Бу ёғини менга қўйиб бер, каттақонингизга ўзим учрарман, фақат сендан жойинг борми, деб сўраса жой йўғу, лекин одам керак дейсан. Бор-йўқ илтимосимиз шу.

— Бўпти, домла, буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин! Одам ҳақиқатда ҳам керак!

Рашид уйига яёв кайтди. Иш жойини ўзгартириш, янги одамлар орасига бориш маълум безовталиқ билан боғлиқ. Тил топишиб кета оламанми, раис рози булармикин, деган хаёллар миясини чулғади.

Аммо Нафисахон қурмагур жуда кетворган нарса экан. Рашидга ғалатироқ қараб қўйди. У хотинига умрида хиёнат қилмаган, бундай фикр шу чокқача хаёлига ҳам келмаган эди. Хўш, шундоқ экан, нега энди ҳозир ўша диктор қизни эслаб қолди?! Ё машҳур одамлар шунақа ўзига тортадимми?! Эҳтиёт бўл, бола, телевидениеда ҳар хил раққосалар, актрисалар кўп бўлади, тағин бирортасининг тузоғига илиниб ўтирма. Ё тузоғига илинишни ўзинг ҳавас қилясанми?

Фарида эрини жуда хушчақчақ кайфиятда кутиб олди. Ҳали кийимларини ўзгартириб улгурмасидан:

— Овқатингизни олиб келаверайми, жаркоп қилдим,— деди, аммо ишингиз нима бўлди деб сўрамади.

Рашид ичидан зил кетди, не-не умидлар билан ўтирган хотинини қандай ранжитади? У ясама хурсандчилик билан қўлларини бири-бирига ишқади.

— Жаркоп тайёр экан, бунинг устига пиёзи анзурдек нодир закуска бўлса, нега овқатланмас эканмиз. Опкелавер!

Фарида жаркопни келтириб, эрининг олдига қўйди, кейин ҳаяжон ва севинчини яширолмаб, бир қадар тантанали овозда деди:
— Янги жойга ўтганингиз билан табриклайман, муборак бўлсин. Барча орзуларингиз... орзуларимиз амалга ошсин.

Рашиднинг юраги жиз этиб ачишди:

— Раҳмату, лекин табригингни икки-уч кундан кейин, масала узил-кесил ҳал бўлгандан кейин қабул қиламан.

— Масала ҳал, эртага эски ишингиздан бўшаб, индиндан телевидениега бораверишингиз мумкин.

Рашид ҳайронликдан донг қотиб қолди.

— Бирор жойга борсангиз, уйга сира тўғри келмайсиз, қаёқлардадир санғиб юрасиз. Келишингиздан ўн минут олдин Қамариддин ака телефон қилди. Раис билан гаплашибди телефонда. Хужжатларни расмийлаштираверсин, деди.

Рашиднинг аъзойи баданига ҳузурбахш бир ҳис таралди. Лаблари табассумга ёйилди. Шунчалик суюниб кетганини хотини кўриб турганидан уялди, қошларини чимириб, сиполик билан:

— Аммо бало экан Қамариддин аканг,— деди.

Энди овқатдан олмоқчи эди, эсига онаси тушиб, хотинига саволмуз назар ташлади.

— Ойимларга алоҳида сузиб бердим. Чақирсам келмадилар, тобим йўқроқ, шу ерга опкелиб бера қолинг, дедилар.

Хотинининг шу одати зўр эди, узоқ вақт кек сақлаб юрмасди, қасдлашишни билмасди, уришган одамлари билан дарров ярашиб кетаверарди. Лекин уришиб қолиши ҳам осон эди.

Кўнгли анча таскин топган Рашид хотинига боқди.

— Қани энди бир шиша пиво бўлса ҳозир.

— Топилади.

Фарида қандайдир куйни хиргойи қилганича ошхонага йўл олди. У шунақа эди, бирор юмуш билан овора бўлганида ёки овқат пишираётганида кўпинча ашула хиргойи қиларди. Хотинининг бу одати ҳам ёқарди Рашидга. Ашула айтяптими, демак, ҳаётдан рози, эридан рози.

— Тағин ҳазил-ҳузул билан пиёниста бўлиб кетманг,— Фарида эрининг олдига бир шиша пиво қўйди.

— Билим жамиятидагилар интизомга муккасидан кетган, қуруқ ва ибратли одамлар бўлишади. Биз эса телевидениеда, санъат даргоҳида ишлаймиз. Санъаткорларни биласан, эрксевар, интизомбузар бўлишади.

— Ҳали сиз ҳам бузилиб кетсангиз-а?

— Ажаб эмас! Қозонга яқин юрсанг қораси...

— Нима?!— пўписа қилди Фарида.— Кўрсатиб қўяман сизга қозонга суркалишни. Йиғиштиринг телевидениенгизни. Менга ўша интизомли лекторлар маъқул. Санъат даргоҳини орзу қилиб, тағин эрдан айрилиб ўтирмай.

— Айрилишга-ку айрилмассан-а, аммо озгина айнишим мумкин. Нега десанг, шароит мажбур қилади. Боя телевидениеда Қамариддин ака билан катта студиянинг ёнидан ўтиб кетаётсак, дув этиб бир тўда хуру филмонлар, сарвқомат канизаклар чиқиб, иккаламизни

ўраб олишди. Бирдан десанг, ашула айтиб, ўйинга тушиб кетишди. Бизни ҳам тортишди. Ўйин билмаймиз деганимизга қўйишмай, йўқ, битта ташлайсизлар, деб туриб олишди,— атайдан юзига жиддий тус бериб гапирарди Рашид.

— Ташладингларми?

— Ташламаганингга қўйишармиди? Қамариддин аканинг қош қоқиб, муком қилишини кўрсанг, ҳайратдан ёқангни ушлардинг, суяги йўқ экан, занғврининг,— ҳовлиқди Рашид.

— Сиз-чи?!

— Мен ҳам ўртага тушишга мажбур бўлдим. Елка силкитиб, бир йўрғалаш қилиб берувдим, кийкирик бўлиб кетди.

— Ҳо, ҳали йўрғалашни ҳам биламан денг! Ҳунарингизни бизга ҳам бир кўрсатсангиз бўларкан.

— Жоним билан. Сиз ашуласини айтинг, бид ўйинга тушайлик.

— Мен яллачи эмасман!— Фариданинг қовоқ-тумшуги осилиб кетди.

— Шунинг учун яхшилаб ўйлаб кўр, ҳали кеч эмас,— гапни яна қизикчиликка йўймоқчи бўлди Рашид.

— Иккинчи ичганингизни кўрмай,— деди Фарида ҳукмрона оҳангда.

— Сенга нима бўлди,— ялтоқланиб кулди Рашид,— ҳазилни тушунар эдинг-ку.

— Ҳазил, ҳазилнинг таги зил дейдилар,— деди Фарида совуқ-кина.

Рашид нима деб хотинини юпатишни билмади. Нега мақ-ганди, нега ёлғон-яшиқларни тўкиди? Яхшиям вақтида тилини тийди, сал қолувди Нафисахонни ҳам кўрдим, олдимдан бедана юриш қилиб ўтиб кетди, деб юборишга. Нақ балога қолар экан-да!

Фарида овқатни шошилиб еди-да, ётоқхонага кириб кетди. Ҳадеганда қайтиб чиқавермади. Нима бало, аразлаб шу пайтдан ётиб олдимиз, деган хаёл келди Рашиднинг бошига. Секин туриб ётоқхонага йўл олди. Қараса хотини ясаниб олибди, сандиқни титкилаб, нимадир кидиряпти.

Рашиддан совуқ тер чиқиб кетди. Наҳотки шу арзимаган ҳазилга аччиқ қилиб кетиб қолмоқчи?

— Ҳа, тинчликми?

— Уйимизга бориб келаман.

— Шу пайтда нима бор уйингда, кеч бўлиб қолди.

— Ёлғиз ўзимни юборишга ишонмасангиз, бирга юра қолинг. Хайрият, араздан тушибди.

— Бемаҳалда нима деб борамиз?

— Бемаҳал эмас, энди тўққиз бўлди. Такси ўн беш минутда олиб боради.

— Ўзи нима гап?

— Адамларда ишим бор.

— Жуда шунчалик зарурми, бошқа кун борамиз.

— Намунча таранг қиласиз? Кўркманг, у ерда сизни ҳеч ким ўйинга тушишга мажбур қилмайди,— узиб олди Фарида.— Ё ўйин-кулги йўқ жойга бормайсизми энди?

Рашид илжайди.

— Хўп, жуда бўлмаса сабабини билсак бўладими?

— Бориб раҳмат деб келамиз. Қамариддин аканинг бизга қилаётган яхшилиги ҳаммаси адамларнинг орқаларидан.

— Телефон бор-ку.

— Вой, уят эмасми, катталик қилиб адамларга телефонда раҳмат айтиш! Келишга бўйинлари ёр бермади демайдиларми?! Ўйлаб гапиряпсизми?

Рашид эриниб костюмини кийди. Зум ўтмай эру хотин отланиб, ҳовлига чиқдилар. Онасининг уйи олдидан ўта туриб, Рашид одати бўйича эшикдан бош суқиб, важ тўкиди:

— Ойи, биз бир жойга зарур иш билан бориб келамиз. Дарров қайтамыз.

Узок жимликдан сўнг онаси зўрға овоз берди:

— Кейинги пайтларда жуда кўпайиб кетди зарур ишинглар.

«Тўғрилиқча, бора қолинглар, десалар нима қиларкин. Нукул қилдан қийик қидирадилар».

— Келинингизнинг мазаси қочиб қолди.— Рашид сал овозини баландлатди.— Докторга обориб келаман!

— Вой оборавер. Нега менга дўк урасан? Йўлингни тўсяпманми?!

Рашид эшикни «шарак» этиб ёпиб, кўчага чиқиб кетди.

5

Улар йўлда магазинга кириб, катта торт олдилар.

Уй эгалари меҳмонларни қулоч очиб кутиб олдилар. Умуман бу хонадонда хурсандчилик ҳукмрон, Рашид қачон бормасин, ҳали бирор марта ҳам уларнинг тунд бўлиб ўтирганларини кўрмаган эди. Айниқса, Фариданинг онаси келганларнинг атрофида гирди-капалак бўлиб, ўтказгани жой тополмай қоларди.

Умархон ака хотинининг тескариси, оғир ва вазмин эди. Лекин у ҳам куёвининг ҳурматини жойига қўярд.

Меҳмонлар учун катта уйга жой қилишди. Ўзбекча қилиб хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалди, пар ёстиклар қўйилди. Дастурхон ноз-неъматларга тўлдирилди.

Ҳаммалари — Босит билан кенжатой Асолат ҳам хонтахта атрофига ўтирдилар. Фарида чарм сумкасидан қўйлак олиб, адасига узатди.

— Ада, кам бўлса ҳам кўп ўрнида кўриб оласиз. Рашид акамларнинг ишхоналарида бераётган экан, сизга атаб олибдилар,— ёлғон тўқишга уста эди Фарида.

Рашид қўйлакни дарров таниди, туғилган кунига онаси совға қилганди. Размери катта, модаси сал эскичароқ бўлгани учун лозимомадага қилиб юборилар, деб олиб қўйган эдилар.

— Нима қилардинглар овора бўлиб, ўзларинг янги оила бўлсаларинг,— ҳам қувониб, ҳам ранжиб гапирди Умархон ака.